

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

## **СТАТИСТИКА**

**Йўналиши**

**«АГРОБИЗНЕС СТАТИСТИКАСИ»**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й  
М А Ж М У А**

**Тошкент 2019**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчилар:** ТМИ доценти Хўжақулов Х.Д  
ТДИУ доценти Маматкулов Б.Х.

**Такризчилар:** Раимбаев А., Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Ph.d.  
Абдураупов Р., Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Ph.d.

*Ўқув -услугий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2019 йил 30 августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>4</b>
<b>III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ.....</b>	<b>16</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР .....</b>	<b>44</b>
<b>V. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР .....</b>	<b>46</b>
<b>VI. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>47</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>86</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>94</b>

# **I. ИШЧИ ДАСТУР**

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли Қароридан белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйилган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

### **Агробизнес статистикаси модулининг мақсад ва вазифалари:**

- “Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Агробизнес статистикаси” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- агробизнес фаолиятида энергетик воситаларини таснифлашни;
- агробизнес фаолиятида айланма фондларини статистик баҳолашни;
- айланма фондлардан фойдаланиш кўрсаткичларини статистик таҳлил қилишни;

- агробизнес фаолиятида меҳнат унумдорлиги даражаларини аниқлашни;
- агробизнес фаолиятида иш ҳақи турларини ҳисоблашни;
- меҳнат унумдорлигини натура, шартли натура, қиймат ва меҳнат ўлчов бирликларида аниқлашни;

- ўртача соатлик, кунлик, ойлик, йиллик иш ҳақи даражаларини аниқлашни **билиши** керак.

#### **Тингловчи:**

- агробизнес фаолиятида иш вақтидан фойдаланиш кўрсаткичларини статистик таҳлил қилиш;

- агробизнес фаолиятида меҳнат унумдорлиги даражасини ҳисоблаш ва статистик таҳлил қилиш;

- экин майдонларини экин турлари бўйича таснифлаш;

- корхонанинг асосий ва айланма капиталларини статистик таҳлил қилиш;

- асосий капитални статистик баҳолаш;

- ишлаб чиқариш қуввати ва инвестициялардан фойдаланишни ҳисоблаш; ишлаб чиқарадиган машина ва ускуналар ҳақида тушунча ҳамда уларни таснифлаш каби **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- талаба ривожланган чет эл мамлакатларида қишлоқ хўжалиги статистикасини ташкил этилиш;
- агробизнес фаолияти тўғрисида ишончли статистик ахборот олиш;
- тадбиркорлик асосида ишлаб чиқаришининг самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш;
- иш кучидан унумли фойдаланишни натижавий кўрсаткичларини ҳисоблаш *малакаларига эга бўлиши* зарур.

**Тингловчи:**

- макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимини тузиш тамойиллари, уларнинг тузилиши ва боғлиқлигини аниқлаш;
- статистик кўрсаткичларни тизимли равишда таҳлил қилиш ва уларни кенг жамоатчиликка тушунтириш;
- статистик таҳлиллар асосида тармоқлар ва корхоналарнинг ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш;
- қишлоқ хўжалигининг асосий фондлари ва улардан фойдаланишни ифодаловчи кўрсаткичлар моҳияти тўғрисида тасаввурга эга бўлишни ва улар асосида хулосалар чиқариш;
- республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиши истиқболини аниқлаш ва тадқиқоти учун зарур бўлган кўрсаткичларни ҳисоблаш методологияси ва уни статистик усуллар ёрдамида таҳлил қилиш **компетенциясига** эга бўлиши зарур.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Агробизнес статистикаси” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Макроиқтисодий сиёсат ва барқарор иқтисодий ўсиш”, “Тизимли таҳлил усуллари” ва “Иқтисодиётнинг инновацион

тараққиёти” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умуммутахассислик бўйича тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий эконометрик моделларни тузиш ва қўллашдаги муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш ҳамда оптимал қарорлар қабул қилиш ва прогнозлашга доир умуммутахассислик компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соати					Мустақил таълим
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				
			жумладан				
			Назарий машғулот	Амалий машғулот	Қўчма машғулот		
1.	Агробизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида статистик ўрганишнинг илмий-услубий асослари	6	6	2	2	2	-
2.	Агробизнес фаолиятини бошқаришда меҳнат ресурслари ролини статистик ўрганиш	2	2	-	2	-	-
3.	Агробизнес фаолиятида ишлаб чиқариш харажатлари ва молиявий натижалари статистикаси	6	6	2	4	-	-
<b>Жами:</b>		<b>14</b>	<b>14</b>	<b>4</b>	<b>8</b>	<b>2</b>	<b>-</b>

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### 1-мавзу. Агробизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари статистик ўрганишнинг илмий-услубий асослари. (4 соат).

Агробизнес статистикаси ва ундаги ислохотларнинг устувор йўналишлари. Агробизнес жараёни ва уни янада такомиллаштириш бўйича

ислохотлар Давлат молиясининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни. Агробизнес ва унинг бўғинлари. Агробизнесни бошқаришнинг функционал элементлари ва уларни такомиллаштириш бўйича ислохотлар.

Аграр соҳа – миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоғи эканлиги, ўзига хос хусусиятлари ва уларни тармоқ статистикасини шакллантиришда ҳисобга олиш зарурлиги. Агробизнес статистикаси кўрсаткичлари тизими. Агробизнес статистикасини бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида агробиизнес статистикаси фанининг тутган ўрни ва аҳамияти.

## **2-мавзу. Агробизнес фаолиятини бошқаришда меҳнат ресурслари ролини статистик ўрганиш (4 соат)**

Реал секторнинг мазмуни ва таснифланиши. Реал секторнинг меҳнат ресурслари ва уни статистик ўрганиш аҳамияти. Реал секторда банд бўлган меҳнат ресурслари (ходимлар) кўрсаткичлари. Рўйхатдаги, ишга келган ва ҳақиқатда ишлаган ходимлар сони. Рўйхатдаги ходимларнинг ўртача сони ва уни ҳисоблашнинг ўзига хос жиҳатлари. Ходимларнинг тоифалари бўйича таснифлаш. Ходимларнинг ҳаракати кўрсаткичлари. Жаҳонмолиявий-иқтисодий инқирози шароитида реал секторнинг бошқариш муаммолари.

## **3-мавзу. Агробизнес фаолиятида ишлаб чиқариш харажатлари ва молиявий натижалари статистикаси (2 соат)**

Фаол тадбиркорликда ишлаб чиқариш харажатлари турлари: жорий харажатлар; капитал харажатлар; ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар. Маҳсулот таннархи тушунчаси ва турлари. Маҳсулот таннархини коалькуляция моддалари ва харажат унсурлари бўйича гуруҳлаш.

Аграр соҳада маҳсулот таннархининг ўртача даражаси ва динамикаси кўрсаткичлари. Маҳсулот таннархининг ўртача даражаси динамикасига омиллар таъсирини индекс таҳлили.

Маҳсулот таннархи динамикасини статистик ўрганиш. Ишлаб чиқариш харажатларини ўзгаришига омиллар таъсирини индекс таҳлили. Маҳсулот таннархи ўзгаришини калькуляция моддалари бўйича статистик таҳлили.

Бозор иқтисодиёти шароитида реал секторда ишлаб чиқариш молиявий натижаларини статистик ўрганиш аҳамияти ва зарурлиги.

Аграр соҳада ишлаб чиқариш молиявий натижалари кўрсаткичлари. Баланс фойда. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган фойда. Соф фойда. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган фойдани ўзгаришига таъсир этувчи омилларни статистик таҳлили.

Аграр соҳада рентабеллик кўрсаткичлари. Маҳсулот рентабеллиги даражаси. Умумий рентабеллик даражаси. Маҳсулот рентабеллиги динамикасига омиллар таъсирини индекс таҳлили.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**



**1-мавзу. Агробизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари статистик ўрганишнинг илмий-услубий асослари. (4 соат).**

Ўзбекистон агробизнесни барқарор ривожлантиришнинг объектив зарурияти ва ўзига хос хусусиятлари. Агробизнес фаолияти самарадорлигини статистик баҳолашнинг назарий асослари. Агробизнесни ривожлантиришда илғор мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари

**2-мавзу. Агробизнес фаолиятини бошқаришда меҳнат ресурслари ролини статистик ўрганиш (4 соат)**

Агробизнес фаолиятини бошқаришда меҳнат ресурслари ва уни статистик ўрганиш аҳамияти. Агробизнесда банд бўлган меҳнат ресурслари кўрсаткичлари. Агробизнес фаолияти билан шуғулланувчи ходимлар ҳаракати кўрсаткичлари.

**3-мавзу. Агробизнес фаолиятида ишлаб чиқариш харажатлари ва молиявий натижалари статистикаси (6 соат)**

Агробизнес фаолиятида ишлаб чиқариш харажатлари ва уни статистик ўрганиш аҳамияти. Агробизнес фаолиятида маҳсулот таннархининг ўртача даражаси динамикасига омиллар таъсирини индекс таҳлили. Агробизнес фаолиятида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган фойдани ўзгаришига омиллар таъсирини статистик таҳлили. Агробизнес фаолиятида маҳсулот рентабеллик кўрсаткичлари ва уларни динамикасига омиллар таъсирини индекс таҳлили.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:


- маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш;
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш;
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

#### Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



**Баҳс** – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

#### Анжуман-баҳсининг роли

**Олиб борувчи** – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

**Оппонент** – тадқиқотчилар муҳитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалашни, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

**Мантиқчи** – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидаги қарама-қаршилиқларни ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчалар тавсифини аниқлайди, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қилади.

**Психолог** – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

**Эксперт** – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, хулосалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган хиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

### «Ақлий ҳужум»

**Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони)** – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.


Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.


• **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борида кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

• **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.


• Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

## Кўргазмали тақдим этиш: график ташкил этувчилар





Венн диаграммаси



### SWOT-таҳлил жадвали

**SWOT** – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

**Strengths** – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;


**Weakness** – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

**Opportunities** – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

**Threats** – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилининг муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда унинг натижаси ҳисобга олинishiга боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

## “Кучлар таҳлили” графиги



### «Кучлар таҳлили» графигини тузиш қоидаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

## “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

### Кейс.

Амалий вазият. Илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган тадқиқотлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш мутахассисни грантга кўшишга кўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳақи олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътирозлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз гранд раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.
2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслаҳатимиз уни гранддан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўлларини топасиз.

### III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ.

#### 1-мавзу. Агробизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида статистик ўрганишнинг илмий-услубий асослари Режа

1. Ўзбекистон агробизнес фаолиятида хўжалик юритиш шакллари барқарор ривожлантиришнинг объектив зарурияти ва ўзига хос хусусиятлари
2. Агробизнес фаолиятида хўжалик юритиш шакллари самарадорлигини статистик баҳолашнинг назарий асослари
3. Агробизнес фаолиятини ривожлантиришда илғор мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари

**Калит сўзлар:** реал сектор, хўжалик юритиш шакллари, аграр соҳа, саноат тармоғи, фермер хўжаликлари, иқтисодий самарадорлик, ишаб чиқариш, ялпи, товар маҳсулот, ялпи даромад, соф даромад, фойда

#### 1. Ўзбекистон агробизнес фаолиятида хўжалик юритиш шакллари барқарор ривожлантиришнинг объектив зарурияти ва ўзига хос хусусиятлари

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса, энг аввало, иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур.

Иқтисодий адабиётларда иқтисодиётнинг реал секторига турлича таъриф берилди ва қуйида биз уларнинг бир нечтасини кўришимиз мумкин:

1. Иқтисодиётнинг реал сектори (инглизча – Real sector of economy) – иқтисодий ва қонуний белгиланмаган иқтисодий атама ҳисобланади ва маълум ҳудуддаги фаолияти маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган кичик, ўрта ва йирик (индустриал) корхоналарни бирлаштирадиган иқтисодиёт соҳасидир.

2. Иқтисодиётнинг реал сектори – бу иқтисодиётнинг муҳим сектори бўлиб, тўғридан-тўғри маҳсулот ишлаб чиқариш, даромад олиш ва бюджет даромадлари тушумини таъминлайди. Ишлаб чиқариш, маҳсулот ишлаб чиқариш соҳаси унинг иқтисодий атама синонимлари ҳисобланади.

(Р.Хасанов, Х.Асатуллаев, А.Сувонқулов, Х.Ҳакимов. “Реал сектор иқтисодиёти ва уни прогнослаш”. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. ТМИ. Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2013, 192-б)

3. Иқтисодиётнинг реал сектори – хом ашё ва бошқа ишлаб чиқариш омиллари (ишчи кучи, ер ва капитал) ёки ишлаб чиқариш жараёни орқали товар ва хизматлар ишлаб чиқариш тушунилади. Бозор жамиятнинг ишлаб чиқариш



ва ишлаб чиқариш омилини бирлаштиришни англатади. (<http://www.asianinsider.com/Economic/definition.asp>)

4. Иқтисодиётнинг реал сектори – бу иқтисодиётда моддий буюм маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, моддий бойликни яратувчи ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ўз ичига оладиган соҳа. Реал секторга молия-кредит ва биржа фаолияти кирмайди.

*(Комов, Анализ системы кредитования реального сектора экономики России в Полугодии 2004 г // Русское Экономическое Общество 2004 №141 ст. 7-8)*

5. Нуктаи назардан қараганда, уй хўжаликлари ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ноtijорат институтлар маълум бир ҳолатларда “бошқа ижтимоий секторлар” номи остидаги ягона субсекторларга бирлашади.

*(file:///F:/REAL%20SEKTOR/sectors.pdf)*

Иқтисодиётнинг реал сектори – хом ашё, меҳнат ва капиталдан ажралмаган ҳолда хизмат кўрсатиш, маҳсулот ва товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналардан иборат иқтисодий соҳадир. Иқтисодиётда реал секторни самарали фаолият юритишида молиявий сектор муҳим ўрин эгаллайди.

Иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларида маҳаллий ва хорижий кредит институтларининг молиявий маблағларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, муайян қонуниятларга асосланиб иқтисодиётга молиявий ресурсларни йўналтиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Бундай тадбирлар олдиндан билиш, башоратлаш каби усулларини ҳамда мазкур жараёнларнинг жамият истиқболида қандай натижага олиб келишини аввалдан намоён этадиган услубиётини ўз ичига олган яхлит дастур сифатида ўрганишга доир вазифаларни кун тартибига қўяди. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш сўнгги йилларда республикамиздаги реал сектор корхоналарини молиявий манбаларини бошқариш ва ушбу соҳани ривожлантириш устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Бизга маълумки, иқтисодиётнинг реал сектори тараққиёти мамлакатнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш, бошқарув механизмларининг ечимларини танлаш каби имкониятларни беради. Бу эса, истиқболда режалаштирилган мақсадларга эришиш учун жорий ҳолатдаги иқтисодий жараёнларга таъсир этиш йўллариини белгилайди.

Жаҳонда интеграция ва глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиб бориши миллий иқтисодиёт олдига бир қатор янги вазифаларни қўймоқда. Миллий иқтисодиётнинг дунё бозорида ўз ўрнини топиши, яъни маълум мавқени эгаллаши учун доимий равишда реал сектор корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан замонавийлаштириб бориш лозим. Ушбу мақсадларга эришиш учун миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларида техник ва технологик янгиланишни амалга ошириш керак. Бунга, ишлаб чиқаришда бошқарувнинг янги усулларини ҳамда фан ва техника ютуқларини доимий равишда жорий этиш орқалигина эришиш мумкин. Мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда фан

ва техника ютуқларини, замонавий ишлаб чиқариш технологияларини ва ишлаб чиқариш бошқарувини янги усулларини амалиётга жорий этиш орқали иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришига ва молиявий барқарорлигини оширишига жуда катта эътибор берилмоқда. Замонавий информацион технологиялар ва нанотехнологияларнинг ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилиши меҳнат ресурсларининг касбий малакасини оширишни тақозо этиш баробарида, уларнинг сифати соҳанинг рақобатбардошлигини ва кейинги йилларда юксак натижаларга эришишига замин бўлади.

Мамлакат иқтисодиёти, шу жумладан, реал секторни ислоҳ қилиш, модернизациялаш ва унинг таркибий тузилишларини диверсификациялаш ушбу тармоқларда замонавий кўринишдаги ва ҳар томонлама рақобатга чидамли фаолият субъектларини ривожланишига асос бўлиб хизмат қилишини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шунини эътиборга олган ҳолда, ўтган давр мобайнида иқтисодиёт ва реал секторни эркинлаштириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш борасида ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилди. Булар эса, ўз навбатида, республикамиз иқтисодиётини янада барқарорлаштириш, ҳар хил иқтисодий-ижтимоий таҳдидларни самарали ҳал қилиш имконини бермоқда.

Юртимизда реал секторда хўжалик юритиш шакллариининг назарий ва илмий асосини ҳар томонлама ва унинг барча вариантларини ҳаётга тадбиқ этиб, энг самарали шаклини тавсия этиш муҳим иқтисодий муаммо сифатида талқин этилди. Зотан, фермер ва деҳқон хўжаликлари хўжалик юритишнинг энг мақбул шакли сифатида, аввало, ҳар бир деҳқонга манфаатдорлик билан эркин меҳнат қилиш, ўз меҳнати натижаларини мустақил тасарруф этиш имконини беради. Мамлакат аҳолисининг аксарият қисми қишлоқларда яшаши, реал сектор мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи эканлиги, миллий даромаднинг катта қисми айнан аграр тармоқдан олинадиган маҳсулот ва уларни қайта ишлаш натижасида вужудга келган маҳсулотлар улушига тўғри келиши, айти шу тизимдаги ислоҳот самарасини халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги ислоҳотлар суръати ва миқёсини белгилаб бериш хусусиятига эгаллиги билан қимматлидир.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шаротида реал сектор хўжалик юритишнинг илғор усулларида бири бўлиб, хусусий мулкчилик негизини ташкил этган моддий ва маънавий манфаатдорлик, ҳамда масъуллиқдан самарали фойдаланишга имкон яратиб берадиган реал секторни мақбул шакллантириш ва унда хўжалик юритиш механизмининг доимий такомиллаштириб боришни талаб этади.

## **2. Агробизнес фаолиятида хўжалик юритиш шакллари самарадорлигини статистик баҳолашнинг назарий асослари**

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай хўжалик субъекти фаолиятининг пировард натижаси самарадорлик билан ўлчанади. Ишлаб чиқариш

самарадорлиги - иқтисодий категория бўлиб, хўжалик фаолият юритаётган табиий, илмий–техник, иқтисодий ва ижтимоий шароитлар мажмуини ўзида акс эттиради. Реал сектор ишлаб чиқаришининг самарадорлиги энг умумий кўринишда ишлаб чиқариш жараёнининг натижавийлигини, ўз навбатида ишлаб чиқариш ресурсларининг такомиллашганлик даражаси ва улардан фойдаланиш самарадорлигини акс эттирувчи эришилган натижа ҳамда сарфланган жонли ва буюмлашган меҳнат ўртасидаги ўзаро нисбатни билдиради.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлиги доимий таъсир қилувчи омиллар ва мамлакатимиз иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолатининг қатор ўзига хосликлари билан изоҳланади. Реал секторда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бир томондан озиқ-овқат ва хом-ашёга, маҳсулот сифатига бўлган талабнинг ортиши, баъзи бир турдаги ресурсларни кўпайтириш ёки кенгайтириш имкониятининг йўқлиги туфайли зарур бўлса, иккинчи томондан жамият ривожланишининг ҳозирги босқичи реал сектор ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имкониятларини кенгайтиради.

Реал секторда ишлаб чиқариш самарадорлигига бир қатор омиллар таъсир этади. Уларни ташкилий, иқтисодий, технонологик ва табиий экологик омилларга бўлиш мумкин. Бу омилларнинг биргаликдаги таъсири ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлайди.

Самарадорликка таъсир этувчи иқтисодий омиллар:

Ташкилий-ҳуқуқий омилларга:

- реал секторда ишлаб чиқаришнинг ихтисослашиш даражаси;
- ер майдони ўлчамини мақбуллаштириш
- меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш механизмнинг тўғри йўлга қўйилганлиги;
- фермерларни моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш даражаси;
- фермер хўжаликлар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;
- фермерларнинг билим ва малакаси;
- фермерларни ахборот билан таъминланиш даражаси ва маслаҳат бериш;
- қонун, қарор ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- шартномавий муносабатлар тизими.
- фермер хўжаликлари томондан етиштирилаётган маҳсулотларнинг баҳолари;

Фермер хўжалиги фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллар.

Иқтисодий омилларга:

- фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашиш даражаси;
- ер майдони ўлчамини мақбуллаштириш
- меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш механизмнинг тўғри йўлга қўйилганлиги;
- фермерларни моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш даражаси;

- фермер хўжаликлар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;
- фермерларнинг билим ва малакаси;
- фермерларни ахборот билан таъминланиш даражаси ва маслаҳат бериш;
- қонун, қарор ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- шартномавий муносабатлар тизими.
- фермер хўжаликлари томонидан етиштирилаётган маҳсулотларнинг баҳолари;
- ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган моддий-техника ресурсларининг баҳолари;
- молия-кредит ресурслари билан таъминланиш ҳолати;
- субсидия, дотация кўринишидаги давлат томонидан бевосита ва билвосита иқтисодий қўллаб қувватлаш.

Технологик омилларга:

- юқори ҳосилли ўсимлик навлари ва чорва ҳайвонлари зотлари билан таъминланганлик даражаси;
- ишлаб чиқаришни механизациялашганлик даражаси;
- тупроққа ишлов беришни минималлаштириш;
- ишлаб чиқаришнинг янги, тежамли технологияларини қўллаш.

Табиий-экологик омилларга:

- фермер хўжалиги фойдаланадиган ер майдонларининг сифати, яъни унумдорлиги, шўрланиш даражаси, сизот сувларининг чуқурлиги ва бошқалар;
- сув билан таъминланганлик даражаси ва унинг сифати;
- йиллик ёғин миқдори;
- географик жойлашуви ва рельефи;
- шамол, самарали ҳарорат ва бошқа метеорологик омиллар;
- зарарли чиқиндилар чиқарувчи корхоналарнинг мавжудлиги.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида санаб ўтилган омилларнинг барчаси биргаликда фермер хўжалиги фаолияти пировард натижасини ижобий бўлишини таъминлайди. Мазкур омилларнинг баъзиларини бевосита фермер хўжалиги бошлиғи томонидан бошқариш мумкин бўлса, баъзи омиллар фермерга боғлиқ бўлмаган ҳолда таъсир кўрсатади. Масалан, табиий-экологик омиллар ёки жамиятдаги макроиқтисодий ҳолат фермерга боғлиқ бўлмаган ҳолда таъсир кўрсатади. Таъкидлаш керакки, ушбу омиллар ичида бир қаторлари ишлаб чиқариш жараёнида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Масалан, фермер хўжалиги бошлиғининг билим ва малакаси бошқа омиллардан тўғри фойдаланиш, айрим омилларни бошқариш имконини беради.

### **3. Агробизнес фаолиятини ривожлантиришда илғор мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланишниинг асосий йўналишлари**

Жаҳон иқтисодиётида давом этаётган мураккаб жараёнлар ҳамда салбий тенденциялар шароитида мамлакатни барқарор иқтисодий ўстиришнинг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга қаратилган қатор чоратadbирлар, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, миллий

иктисодиётни модернизациялаш каби кенг кўламли ислохотлар шароитида реал сектор миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишининг асосий молиявий инструментларидан бири ҳисобланади. Реал сектор орқали мамлакат миқёсида яратилган ялпи ички маҳсулот тақсимланиш жараёнида давлат ихтиёридаги марказлаштирилган пул фонди шакллантирилади.

Маълумки, реал сектор табиат билан бевосита боғлиқ. Реал сектор корхоналари, шу жумладан, реал сектор фаолиятининг якуний натижаси об-ҳавонинг қандай келиши, бозордаги реал сектор маҳсулотлари баҳолари ва бошқа омиллар билан узвий боғлиқ. Ривожланган хорижий мамлакатларда реал сектор бозордаги нарх-навонинг тушиб кетишидан мустаҳкам ҳимоя қилинади. Шунинг учун ҳам ҳукумат фермерлар учун реал сектор маҳсулотлари баҳосининг минимал чегарасини белгилаб қўяди. Яъни, бозорда маълум бир турдаги маҳсулотнинг нархи ўта тушиб кетганда уни давлат фермерлардан кафолатланган нархларда сотиб олади. Бундан ташқари кўпгина хорижий давлатларда, шу жумладан, АҚШда айрим турдаги реал сектор маҳсулотларини етиштириш учун ҳукумат фермерларни тўғридан-тўғри тўлов кўринишидаги дотация, субсидиялар билан таъминлайди. Тўғридан-тўғри дотация бериладиган маҳсулот турлари ҳукуматнинг аграр сиёсатида мувофиқ ҳар йили ўзгариб туради.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда кўпгина халқаро ташкилотлар, хусусан, Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти (БСТ) ўз аъзоларига фермерларга бевосита ёрдам кўрсатишни тўхтатиш талабини қўймоқдалар. Ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда кўпгина давлатлар фермерларга бевосита субсидиялар беришни камайтирмоқдалар. Лекин, шу билан биргаликда фермерларни билвосита қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш давом этмоқда.

Фермерларни қўллаб-қувватлашда давлатнинг роли ҳамма соҳада кўзга ташланади. Масалан, кўпгина давлатларда фермерларни суғурталашни ҳам ҳукумат қўллаб-қувватлайди. Яъни, фермер ҳосилини табиий офат ёки бошқа сабаблар туфайли ҳосилни йўқотилиши суғурталаётганда, улар томонидан тўланадаган суғурта мукофотининг асосий қисмини ҳукумат тўлаб беради. Масалан, АҚШда ҳосилни суғурта қилиш давлат томонидан қўллаб-қувватланади ва шу билан биргаликда ўз ҳосилини суғурта қилдир-маган реал секторга давлат дотация бермайди. Давлатдан дотация олишни хоҳлаган фермер ўз ҳосилини суғурта қилдиради.

Мамлакатимизда реал секторнинг даромадлигини ошириш мақсадида юқоридаги тажрибадан фойдаланиш, яъни ҳукумат томонидан кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоларини ҳар йили бозордаги шароитга қараб фермер зарар кўрмайдиган миқдорда белгилаш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари ҳукумат фермерларни суғурта қилиш билан шуғулланувчи ягона ташкилот «Узагросуғурта» суғурта компаниясини бевосита қўллаб-қувватлаётган бўлсада, фермерларни бу соҳада қўллаб-қувватлаётгани йўқ. Аксарият фермерларда суғурта мукофоти тўлаш учун маблағ етишмаган ҳозирги шароитда ҳукумат улар томонидан тўланадиган суғурта мукофотининг бир қисмини қоплаб бериши лозим. Бу реал сектор фаолиятида таваккалчиликни

камайтириш, фермерларни барқарор даромад олишини таъминлаш имконини беради.

Ғарбий Европа мамлакатлари ҳамда АҚШда реал секторни кредитлаш соҳасида ҳам катта тажриба тўпланган. Таъкидлаш керакки, фермерларни кредитлашда ҳам давлатнинг роли ниҳоятда катта. Маълумки, фермер хўжалиги узоқ муддатли ва шу билан биргаликда паст фоизли кредитларга мухтож бўлишади. Ривожланган давлатларда фермерларни кредитлаш тизимини худди шу шароитга мослаштиришга ҳаракат қилинган. Шу билан биргаликда банклар ўртасида кескин рақобатнинг мавжудлиги ҳам банкларни фермерларга сифатли хизмат кўсатишга мажбур қилади. Масалан, АҚШда 7887 та банк фаолият юритиб уларнинг икки минга яқини яъни 25 фоизи фермерларга кредит бериш билан шуғулланади. Нафақат банклар ўртасида, балки кредит бериш билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасида ҳам рақобат муҳитини яратиш фермерларни кредит билан таъминлаш шароитини осонлаштиради.

АҚШ, Ғарбий Европа мамлактлари каби ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган давлатларда реал секторнинг турли хил кооперацияларга бирлашиши бўйича ҳам бой тажриба тўплаган. Бир қатор давлатларнинг реал сектор соҳасидаги эришган ютуқларига кўп жиҳатдан турли хил кооперацияларнинг ташкил этилиши ва муваффақиятли фаолият юритиши сабаб бўлган. Бу мамлакатларда фермерлар ишлаб чиқариш, таъминот, хизмат кўрсатиш, маркетинг ва бошқа шу каби кооперацияларга бирлашадилар.

Кредит кооперативлари - фермерлар кооперациясининг қадимги шакли ҳисобланади. Ўзининг ривожланиши давомида улар катта молия-кредит ташкилотларига айланиб кетишган.

Ривожланган давлатларда кооперация жараёнини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари бюджет субсидиялар, солиқдаги имтиёзлар, реал сектор кооперативлари вакиллари давлат меъёрий хўжаликларини тайёрлашга жалб этиш ҳисобланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, кооперативлар реал сектор фаолиятини ривожлантириш, унинг самарадорлигини оширишда ва пировардида реал сектор маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтиришда муҳим ўрин тутди. Шунини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда реал сектор иштирокидаги кооперативларни иқтисодий-молиявий қўллаб-қувватлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бунда фермерлар онгига ўзаро кооперациянинг афзалликларини сингдирган ҳолда, уларни кооперацияларга онгли равишда бирлашишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун фермерлар орасида кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот ишларини жорий қилиш, кооперативларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни аниқ чора-тадбирларини белгилаш шу куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ривожланган давлатларда фермерларга маслаҳат, ахборот хизматларини кўрсатишда ҳам катта тажриба тўпланган. Дастлабки даврларда кўпгина

давлатларда фермерларга бепул ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатувчи ташкилотларнинг барча харажатлари давлат томонидан қоплаб берилган. Кейинчалик фермерлар ахборот маслаҳат хизматларнинг аҳамиятини, фойдасини тўла тушуниб етганларидан сўнг уларга пуллик хизматлар кўрсатила бошланган.

Шу билан биргаликда бир қатор давлатларда фермерлар уюшмалари ва бошқа ташкилотлар ўзларининг аъзоларига ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатадилар. Масалан, АҚШда миллий фермерлар ташкилотлари (National farmers organization) ўз аъзоларига имтиёзли нархларда ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатади. Шундай тизим ўрнатилганки, фермер ташкилот хизматидан қанча кўп фойдаланса, бу хизматлар унга шунчалик арзон тушади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда фаолият юритаётган реал сектор уюшмасини фермерларга ахборот-маслаҳат берувчи асосий ташкилот сифатида фаолият юритиши учун шарт шароитлар яратиш лозим. Бунинг учун уюшмада ана шундай фаолият билан шуғулланувчи бўлимнинг моддий-техника базасини кенгайтириш, компьютер ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш, Интернет тармоғига уланиш, энг муҳими эса бўлимни малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадга мувофиқ. Бу жараён дастлабки пайтда кўп миқдорда маблағ талаб қилишини ҳисобга олган ҳолда, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш лозим. Маълум вақт ўтиши билан бу албатта ўз самарасини беради.

Реал секторда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни ташкил қилишда ҳам ривожланган хорижий давлатларда катта тажриба тўпланган. Умумий қилиб олганда, бу мамлакатларда фермерлар ўз маҳсулотини сотишда тўла эркинликка эга. Фермер учун маҳсулотини қаерда сотиш қулай бўлса, у ўша бозорни танлайди. Масалан, АҚШда фермерлар томонидан етиштирилган маҳсулотларни сотишда юқорида таъкидланганидек, кооперативлар ҳам муҳи ўрин тутаяди. Бундан ташқари фермерлар тўғридан-тўғри савдо шаҳобчалари, супермаркетлар билан шартнома асосида ҳам уларга ўз маҳсулотларини етказиб берадилар.

Фермерлар томонидан етиштирилган кишлок хўжалик маҳсулотларини сотишнинг учинчи энг муҳим канали биржалардир. Фермер ўз маҳсулотини биржа орқали сотиш учун биржадаги ўз савдо агентига ёки брокерга мурожаат қилади ва ўзидаги мавжуд маҳсулотнинг тури, миқдори, сифати тўғрисида ахборот беради. Ана шу ахборотга асосан брокер воситачилик ҳақи эвазига маҳсулотни биржада сотади ва бу фермер учун анча қулай усул ҳисобланади. Юқорида таъкидланганидек, давлат кишлок хўжалик маҳсулотлари нархининг энг қуйи чегарасини белгилайди. Барча каналлардаги нархлар ана шу чегарадан пастга тушиб кетса, давлат фермер томонидан етиштирилган маҳсулотларни ўзи кафолатлаган нархларда сотиб олади ва фермерни зарар кўришига йўл қўймайди.

## Назорат учун саволлар

1. Реал секторнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти нималардан иборат?
2. Реал секторда ишлаб чиқариш самарадорлигига қандай омиллар таъсир этади?
3. Реал сектор қандай устувор йўналишлари эга?
4. Реал сектор статистикаси нимани ўрганади?
5. Реал сектор статистикасининг қандай хусусий усулларини биласиз?
6. Реал сектор статистикаси олдида қандай вазифалар туради?
7. Реал секторнинг ўзига хос қандай хусусиятларини биласиз?
8. Статистик кўрсаткичларни шаклланишига реал секторнинг хусусиятлари қандай таъсир қилади?
9. Реал секторда ишлаб чиқаришининг моддий асосларини тавсифловчи кўрсаткичлар деганда қандай кўрсаткичларни тушунаси?
10. Реал секторда ишлаб чиқариши жараёни ва унинг натижаларини тавсифловчи кўрсаткичларни тушунтиринг.
11. Реал секторнинг иқтисодий самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар деганда қандай кўрсаткичларни тушунаси?

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
2. Rangaswamy, R. Specification of a Textbook of Agricultural Statistics (English) 2nd Edition. // Indian, ҳисобот уар.
3. Agriculture, forestry and fishery statistics — 2014 edition. Luxembourg: Publications Office of the European Union, ўтган. Marcel Jortay Director, Sectoral and Regional Statistics
4. Аюбжонов А.Ҳ., Маматқулов Б.Х., Сайфуллаев С.Н.. Қишлоқ хўжалиги статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т., 2012 й
5. Маматқулов Б.Х. Қишлоқ хўжалиги статистикаси фанидан амалий машғулотларни ўтказиш учун ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, ҳисобот. – 176 бет.
6. Абдурахмонов М.А. Қишлоқ хўжалиги статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. – 97 бет
7. Афанасьев В.Н., Маркова А.И.. Статистика сельского хозяйства. Учеб. пособие. – М.: ФиС, ҳисобот
8. Башкатов Б.И. Статистика сельского хозяйства. Курс лекций. Курс лекций. – М.: ЭКМОС, 2014, 128-137 с
9. X.Nabiyev, D.X. Nabiyev. Axmedova M.Sh. Sanoat statistikasi. O'quv qo'llanma. – Т.: TDIU, 2011. – 164 bet.



## 2-мавзу. Агробизнес фаолиятида меҳнат ресурслари ролини статистик ўрганиш

### Режа

1. Агробизнес фаолиятида меҳнат ресурслари ва уни статистик ўрганиш аҳамияти.
2. Агробизнес фаолиятида банд бўлган меҳнат ресурслари кўрсаткичлари.
3. Агробизнес фаолиятида ходимлар ҳаракати кўрсаткичлари.
4. Иш вақти баланслари.
5. Иш вақтидан фойдаланиш кўрсаткичлари.
6. Ишланган вақт фонди ҳажмида омиллар таъсирини статистик таҳлили.
7. Меҳнат унумдорлиги даражасини натурал, меҳнат ва қиймат кўрсаткичлари.
8. Меҳнат унумдорлиги динамикасини статистик ўрганиш.
9. Меҳнат унумдорлиги даражасини ошишида иш вақтидан фойдаланиш таъсирини индекс таҳлили.

### Қисқача хулосалар.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар.

### 1. Агробизнес фаолиятида меҳнат ресурслари ва уни статистик ўрганиш аҳамияти.

Меҳнат ресурслари деганда Қишлоқ хўжалигида меҳнатга лаёқатли, билим ва малакага, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қобилиятига эга бўлган инсонлар тушунилади.



Қишлоқ хўжалигида ер асосий ишлаб чиқариш воситаси деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш манбаидир. Ҳар қандай ўсимлик ҳам ерда вужудга келади. Аммо кишиларнинг ҳаёти учун зарур бўлган ўсимликларнинг жуда кўпи, бизнинг тушунчамиздаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари кишилар меҳнатининг ҳам самарасидир. Халқ ўжалигининг ҳамма тармоқлари сингари, қишлоқ хўжалигида ҳам моддий бойликларни кишилар яратади.

Ишлаб чиқариш воситалари қанчалик юксак ривожланмасин, жонли меҳнат таъсир қилмаса, у воситалар ҳаракатсиз қолаверади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришда ишчи кучининг ўрни ғоят каттадир. Статистика фани қишлоқ хўжалигидаги ишчи кучи, меҳнат ресурсларини махсус ўрганади. Ишчи кучларининг сони таркиби ва ҳаракатини ўрганиш, иш вақтидан фойдаланишни аниқлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш тартибини, ҳар хил ходимлар - муҳандис-техник ходимлар, хизматчилар, ишчилар ва бошқалар оладиган маошлари даражасини ўрганиш, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш манбаларини қидириб топиш, меҳнат юзасидан тузилган режаларнинг бажарилишини назорат қилиш статистиканинг асосий вазифасидир.

## **2. Агробизнес фаолиятида банд бўлган меҳнат ресурслари кўрсаткичлари.**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги хусусиятлар қишлоқ хўжалигида меҳнат статистикасининг ҳам ўзига хослигини талаб қилади. Хусусан қишлоқ хўжалигидаги ходимларнинг иш билан бандлигини доимий, вақтинча ва мавсумий иш билан банд ходимлар деб ажратиш зарурати туғилади, меҳнат унумдорлигининг тўла кўрсаткичларини йил охиридагина ҳисоблаб аниқлаш мумкин бўлади. Чунки, етиштирилган маҳсулотнинг тўла миқдори фақат йил охирида маълум бўлади.

Меҳнат ресурсларини тавсифлайдиган энг муҳим кўрсаткич ходимларнинг рўйхатидир. Бу рўйхатга меҳнат шартномаси бўйича ишга қабул қилинган доимий ва мавсумий ишлайдиган ходимларнинг ҳаммаси киради. Рўйхатдаги ходимларнинг ўрганиладиган давр ичидаги ўртача сони олиб ҳисобланади.

Ходимларнинг ўртача сонини аниқлаш учун ҳар бир календарь кун рўйхатидаги ходимларнинг (масалан, ойлик) сони жамланиб шу ойдаги кунлар сонига бўлинади. Айтайлик, апрель ойининг ҳар бир кунида рўйхатдаги ходимларнинг сонини жамлаганимизда 19520 рақами ҳосил бўлди. Шу рақам апрель ойдаги 30 кунга бўлинса, ходимларнинг рўйхатидаги ўртача сони келиб чиқади:

$$19520 : 30 = 656 \text{ киши}$$

## **3. Агробизнес фаолиятида ходимлар ҳаракати кўрсаткичлари.**

Ходимларнинг ўртача чорак сонини аниқлаш учун ҳар ойликнинг ўртача сонини жамлаб, ҳосил бўлган рақам 3 га бўлинади. Ходимларнинг бир йиллик ўртача сони ҳам шу усул билан аниқланади: ходимларнинг ҳар ойдаги ўртача рўйхат сони жамланиб 12 га бўлинади; ходимларнинг ўртача сони ҳар чоракда ҳисобланиб борилган бўлса, чораклардаги ўртача сонлар жамланиб чиққан сон 4 га бўлинади.

Хўжаликда доимий кадрларга эга бўлиш, ишчи ва хизматчилар ўртасидаги қўнимсизликни тугатиш меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим шартидир. Шуни назарга олиб, хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда ишчи кучларнинг ҳаракати синчиклаб ўрганилади. Бунинг учун ишчи кучларнинг айланмаси ва қўнимсизлиги алоҳида ўрганилади. Ишчи кучларнинг айланмаси деганимизда ходимлар сонидagi ходимларнинг ишдан кетиш ва янги ходимларнинг ишга қабул қилиниши натижасида рўй берадиган ўзгаришларни тушунамиз. Ишдан кетиш турлича бўлиши мумкин: ходимнинг ўз хоҳиши билан кетиши, меҳнат интизомини бузиши сабабли бўшатилиши мумкин ва ҳ.к. Ҳамма ишдан бўшаганлар сони ходимларнинг ўртача рўйхат сонига нисбати ишчи кучларнинг қўнимсизлиги деб аталади.

Ишчи кучлар айланмаси тезлиги ишчи кучлар айланмасининг коэффиценти билан ифодаланади. Ишга қабул қилинганлар коэффиценти уларнинг ўрганилаётган даврда ходимларнинг ўртача сонига нисбати билан, ишдан

кетганлар коэффиценти эса ишдан кетганларнинг ўрганилаётган даврда ходимларнинг ўртача сонига нисбати аниқланади. Масалан, хўжаликка йил давомида, 40 киши қабул қилиниб, ходимларнинг рўйхатдаги йиллик ўртача сони 650 та бўлди, янгидан қабул қилинган коэффиценти  $(40 \cdot 100) : 650 = 6,15\%$  бўлади. Ишдан кетиб қолганлар коэффиценти ҳам худди шу тарика аниқланади.

#### **4. Иш вақти баланслари.**

Ишчи кучлардан фойдаланиш кўрсаткичлари иш вақтининг календарь фонди ҳисобланади.

#### **5. Иш вақтидан фойдаланиш кўрсаткичлари.**

Маълумки, ишчилар дам олиш кунлари ва меҳнат таътили вақтида ишда бўлмайдилар, шунинг учун бу кунлар иш вақтининг календарь фондидан чиқариб ташланса, иш вақтининг максимал иш вақти фонди ҳосил бўлади. Шундай қилиб, максимал иш вақти фонди (ҳақиқий ишлаган куни) иш вақтининг календарь фондига бўлинса, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси келиб чиқади.

$$\frac{\text{Максимал иш вақти фонди}}{\text{Иш вақтининг календарь фонди}} = \text{Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси}$$

Хўжаликда меҳнат ресурсларига доир барча маълумотлар статистика бошқармасига топширадиган ҳужжатлар ҳамда уларнинг йиллик ҳисоботларида кўрсатилган бўлади.

#### **6. Ишланган вақт фонди ҳажмида омиллар таъсирини статистик таҳлили.**

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги каби қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг самарадорлиги ҳам меҳнат ресурслари, улардан фойдаланиш даражаси ва меҳнат унумдорлигига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги маълум иш вақти бирлигида (киши-кун, киши-соатда) ишлаб чиқарилган маҳсулотининг миқдори ёки маълумоти миқдордаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақти билан ўлчанади. Бу қуйидагича ифодаланади:

$$MU = \frac{\text{Маҳсулот}}{\text{Сарфланган иш вақти}}$$

Меҳнат унумдорлигини тўғри ҳисоблаш учун етиштирилган маҳсулот ҳажми билан шу маҳсулотни етиштириш учун сарфланган иш вақтини аниқ белгилаш керак.

Меҳнат унумдорлиги даражасини ҳисоблаш учун қуйидагиларни билмоқ зарур:

а) етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг натура ва қиймат ифодасидаги ҳажми;

б) маҳсулот етиштириш учун сарфланган вақт (киши кун, киши-соат) ҳажми.

Бир киши - кун (бир киши – соат) давомида қанча маҳсулот (дон, пахта, сут, жун ва ҳоказо етиштирилганлигини аниқлаш учун ва маҳсулот бирлигига қанча вақт (киши-кун, киши-соат) сарфланганини билиш учун жамоаларининг йиллик ҳисоботидаги маълумотлардан фойдаланилади. Маълумки, қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар йил охирида ҳисобга олинади, шунинг учун меҳнат унумдорлиги даражаси ҳам йил охирида аниқланади.

### **7. Меҳнат унумдорлиги даражасини натурал, меҳнат ва қиймат кўрсаткичлари.**

Меҳнат унумдорлиги даражаси натура кўрсаткичи билан ҳисобланганда баъзи бир қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорвачилик маҳсулотларининг бир-бирига яқинлиги ҳам эътиборга олинади.

Масалан, дон ўсимликларининг похоти, сомони, чорвачиликда, айтайлик, сизирлар сут бериш билан бирга туғади ҳам, туғилган бузоқларнинг вазни ошиб боради ва ҳ.к. Хўш, энди бу асосий ва бир-бирига яқин маҳсулотлар ўртасида меҳнат харажати қандай тақсимланади? Бунинг учун аввало жами меҳнат сарфлари деҳқончиликдан ва чорвачиликдан олинган ҳар бир турдаги маҳсулотда белгиланган коэффицентлари бўйича бўлиб борилади ёки ҳар бир маҳсулотга унинг сотиш баҳосидаги қиймати бўйича пропорционал тақсим қилинади. Қўйчиликда қоракултери, жун ва семиртириб оширилган вазн шу маҳсулотларни сотиш нархига пропорционал тақсим қилинади.

Мисол. Хўжаликда ўтган йил 14878 дона қорақўл тери тайёрланди, 374,1 ц. жун қирқиб олинди, қўйлар семириб орттирилган жонли вазни 1450ц. Бу маҳсулотларнинг сотиш нархидаги қиймати шу тартибда 267,8 минг сўм, 243,2 минг сўм ва 174 минг сўмдир. Бу маҳсулотларни етиштиришда бевосита 208800 киши-соат меҳнат сарф қилинган. Маҳсулот бирлигига бевосита сарф қилинган меҳнат салмоғини аниқлаймиз.

1. Қорақўл тери етиштиришдаги меҳнат сарфининг салмоғини аниқлаймиз:

$$\frac{267,8}{267,8 + 243,2 + 174,0} = \frac{267,8}{685,0} = 0,391;$$

Жуннинг салмоғи  $(243,2:685,0)=0,355$ ; семириш вазнининг салмоғи  $174,0:685,0=0,254$ .

2. Айрим маҳсулотларга нисбат қилинган меҳнат сарфи:

- а) қорақўл териларга  $-208800 \times 0,391=81640,8$  киши-соат;
- бир дона терига ҳисобланганда-  $81640:14878=5,5$  киши-соат бўлади,
- б) жун етиштиришга  $-208800 \times 0,355=74124$  киши-соат,
- 1ц жунга ҳисобланади-  $74124:374,1 \approx 198$  к/с;
- в) қўйларни семиртиришга  $-20880 \times 0,254=53035,2$  к/с, 1 ц. га ҳисобланганда -  $53035,2:1450=36,6$  к/с.

Меҳнат унумдорлиги даражасининг натура кўрсаткичлари анча содда ва тушунарли. Ундан маълум маҳсулот (пахта, ғалла, жун, сут) етиштиришдаги меҳнат унумдорлигини ўлчашда фойдаланиш мумкин.

Меҳнат унумдорлигини натурада ўлчаш усули айрим корхоналар ёки ишлаб чиқариш шароитлари тахминан бир хил бўлган корхоналар гуруҳи бўйича меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда қўлланилади. Бироқ уларни ҳисоблашда фақат маҳсулотнинг турини ишлаб чиқариш учун бевосита сарфланган меҳнат олинади, холос, аммо умумхўжалик харажатлари ва бошқа харажатлар бу ҳисобга мутлақо киритилмайди.

Қишлоқ хўжалигининг мураккаб тармоқларида меҳнат унумдорлиги даражасини кенгроқ характерлаш учун қиймат кўрсаткичлари қўлланилади. Меҳнат унумдорлигининг қиймат кўрсаткичи хўжаликлар ва хўжалик тармоқлари бўйича меҳнат унумдорлиги даражасини таққослашга ёрдам беради.

Хўжалик фаолияти, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштиришнинг кенгайиб бориши, агротехника тадбирларидан тобора самарали фойдаланилиши, илғор тажрибалар кенг қўламда жорий қилиниши натижасида меҳнат унумдорлиги ошиб боради.

Статистика меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва динамикасини, унга таъсир қиладиган омилларни ўрганади, таҳлил қилади ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг манбаларини топишда қишлоқ хўжалиги ташкилотларига ёрдам беради.

## **8. Меҳнат унумдорлиги динамикасини статистик ўрганиш.**

Меҳнат унумдорлигини таҳлил қилиш жараёнида маҳсулот турлари бўйича меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар ўрганилади, меҳнат унумдорлиги юзасидан белгиланган режанинг бажарилиши текширилади, илғор тажрибалар ўрганилади ва уларни тарғиб қилиш, қолоқ хўжаликларга жорий қилиш йўллари аниқланади, меҳнат унумдорлигини янада ошириш учун зарур тадбирларни амалга оширишда хўжаликларга ёрдам берилади.

Меҳнат унумдорлиги юзасидан белгиланган режанинг бажарилиши ва динамикасини таҳлил қилишда индекс методлари – натурал, меҳнат ва қиймат индекслари қўлланилади.

Меҳнат унумдорлиги динамикасини ўрганишда меҳнат унумининг якка,индивидуал ёки умумий йиғма индекси қўлланилади.

Бўлим, фермер хўжалигининг айрим тур маҳсулотлар етиштиришдаги меҳнат унумдорлиги даражасида юз берадиган ўзгаришларни характерлаш учун якка индекслардан фойдаланилади. Якка индекс базис даврида етиштирилган маҳсулот бирлигига сарфланган иш вақтини ҳисобот даврида сарф қилинган иш вақтига бўлиб аниқланади.

Бир неча тур маҳсулот етиштиришдаги меҳнат унумдорлиги динамикасини ўрганишда умумий йиғма индекс қўлланилади.

## Хўжаликнинг маҳсулоти ва меҳнат харажатлари

Экинлар	Экинларнинг ялпи ҳосили, ц.		Меҳнат харажатлари, киши-кун	
	Базис давр	Жорий давр	Базис давр	Жорий давр
Дон экинлари	3174,0	3325,5	2837,5	2320,2
Пахта	45415	47084	201150	195682
Картошка	357	900	488,8	930,0

Якка ва умумий индекс ёрдамида маҳсулот етиштиришдаги меҳнат унумдорлиги динамикасини аниқлаш формулалари қуйидагилардир:

а) алоҳида миқдор индекс:

$$i = q_1 T_1 : q_0 T_0$$

б) умумий натурал индекс:

$$I = \frac{\sum \left( \frac{q_1}{T_1} : \frac{q_0}{T_0} \right) T_1}{\sum T_1}$$

Бунда:  $q_1$  ва  $q_0$  -ҳисобот ва базис йилларида етиштирилган маҳсулот (пахта, ғалла, сут ва х.к.) миқдори

$T_1, T_0$  -ҳисобот ва базис йилларда маҳсулот етиштириш учун бевосита сарфланган меҳнат харажатлари. (киши-кун)

Меҳнат унумдорлигининг натурал индекси ёрдамида ҳисоблаш йўлини жадвалдаги шартли мисолда кўраимиз.

Жадвалдаги маълумотлар якка индекс формуласига қўйиб ишланса, меҳнат унумдорлигининг индекси экинлар бўйича қуйидагича бўлади:

Дон экини:

$$i = \frac{q_1}{T_1} : \frac{q_0}{T_0} = \frac{3325,5}{2320,2} : \frac{3174}{2837,5} = 1,433 : 1,118 = 1,282 \text{ ёки } 128,2 \%$$

$$\text{Пахта : } i = \frac{q_1}{T_1} : \frac{q_0}{T_0} = \frac{47084}{195682} : \frac{45415}{201150} = 0,241 : 0,226 = 1,06 \text{ ёки } 106 \%$$

$$\text{Картошка : } i = \frac{q_1}{T_1} : \frac{q_0}{T_0} = \frac{900}{930} : \frac{357}{488,8} = 0,967 : 0,73 = 1,324 \text{ ёки } 132,4 \%$$

Бу таҳлилдан кўриниб турибдики, хўжаликда ҳисобот йилида базис йилга нисбатан дон маҳсулотининг ялпи ҳосили 151,5 ц. га (3325,5-3174,0) кўпайган, меҳнат харажати эса 517,3 киши-кунга (2837,5-2320,2) камайган, натижада меҳнат унумдорлиги 28,2% ошган. Демак, доннинг ялпи ҳосили асосан меҳнат унумдорлигининг оширилиши ҳисобига кўпайган.

Пахта етиштиришда меҳнат унумдорлиги ошганлигидан ҳисобот йилида пахтани базис йилга нисбатан 1669 ц кўпайтириб берган (47084-45415) 6% га ошган картошка етиштиришда ҳисобот йилида меҳнат харажати базис йилга қараганда қарийб икки баробар кўп бўлган, аммо шунга яраша ҳосил ҳам икки ярим баробардан зиёдроқ оширилган, демак, ҳосилнинг ошишига бошқа сабаблардан ташқари меҳнат унумдорлигининг 32,4% га ошиши ҳам сабаб бўлган.

Меҳнат унумдорлигининг умумий натурал индекси ёрдамида таҳлил қилиш формуласи бундай:

$$I = \frac{\sum \left( \frac{q_1}{T_1} \div \frac{q_0}{T_0} \right) \cdot T_1}{\sum T_1}$$

ёки бу формулани қисқартириб:

$$I = \frac{\sum i \cdot T_1}{\sum T_1}$$

шаклида ҳам ёзиш мумкин.

Бир қанча маҳсулот (пахта, дон, картошка ва бошқалар) етиштириш учун сарф қилинган меҳнат харажати кўрсаткичлари асосида шу экинларни етиштиришдаги умумий меҳнат унумдорлиги умумий индекс ёрдамида аниқланади.

Хўжаликнинг уч хил маҳсулотини битта қилиб уларни етиштиришдаги меҳнат унумдорлиги таҳлилининг умумий индекс формуласига қўйиб кўрамиз.

$$I = \frac{\sum i \cdot T_1}{\sum T_1} = \frac{1,282 \cdot 2320,0 + 1,06 \cdot 195682 + 1,324 \cdot 930}{2320,2 + 195682 + 930} = \frac{211628,7}{198932,2} = 1,06 \quad \text{ёки} \quad 106 \%$$

Умумий индекс шуни кўрсатдики, дон, пахта ва картошка экинларини етиштиришда меҳнат унумдорлиги 6,0 фоизга кўпайган.

Энди меҳнат унумдорлигини меҳнат индекси формуласи ёрдамида таҳлил қилиш йўлини кўрсатамиз:

Меҳнат индексининг

$$\text{Якка индекси : } i = \frac{t_0}{t_1}$$

$$\text{Умумий индекси : } I = \frac{\sum t_0 \cdot q_1}{\sum t_1 \cdot q_1}$$

Бунда:

$i$  – меҳнат унумдорлигининг меҳнат якка индекси.

$t_0$  – базис даврида маҳсулот бирлигига сарфланган меҳнат.

$t_1$  – ҳисобот даврида маҳсулот бирлигига сарфланган меҳнат.

$q_1$  – ҳисобот даврида маҳсулот ҳажми.

Меҳнат унумдорлиги индексини маълумотлар асосида қуйидаги жадвалда аниқлаймиз.

Жадвалдаги маълумотларни меҳнат унумдорлигининг меҳнат индекси формуласига қўйиб ишлаймиз.

Якка индекс бўйича:

2-жадвал

Экинлар	Экинларнинг ялпи хосили, ц.		Бир центнер маҳсулотга сарфланган меҳнат (киши-кун)	
	Базис даври	Жорий даври	Базис даври	Жорий даври
Дон экинлари	3174,0	3325,5	0,89	0,73
Пахта	45415	47084	4,30	4,27
Картошка	357	900	1,37	1,03
Сабзавот	819	1239	1,29	1,30

дон экинлари индекси  $i = \frac{t_0}{t_1} = \frac{0,89}{0,73} = 1,216$  ёки 121,6 %

пахта индекси  $i = \frac{t_0}{t_1} = \frac{4,30}{4,27} = 1,01$  ёки 101 %

картошка индекси  $i = \frac{t_0}{t_1} = \frac{1,37}{1,03} = 1,330$  ёки 133 %

сабзавот экинлари  $i = \frac{t_0}{t_1} = \frac{1,29}{1,30} = 0,992$  ёки 99,2 %

Умумий агрегат индекси бўйича :

$$I = \frac{\sum t_0 \cdot q_1}{\sum t_1 \cdot q_1} = \frac{0,89 \cdot 3325,5 + 4,30 \cdot 47084 + 1,37 \cdot 900 + 1,29 \cdot 1239}{0,73 \cdot 3325,5 + 4,27 \cdot 47084 + 1,03 \cdot 900 + 1,30 \cdot 1239} = \frac{208152,2}{206014,0} = 1,01 \text{ ёки } 101 \%$$

Умумий индекс натижаси шуни кўрсатадики, ҳисобот йилида базис йилига нисбатан дон, пахта, картошка ва сабзавот экинлари етиштиришда меҳнат унумдорлиги 101% бўлган ёки 1% га ошган. Мазкур индекс асосида иш кунларининг тежалган ёки ортикча харажат қилинганлигини аниқлаш мумкин. Бизнинг мисолда

$$\sum t_0 \cdot q_1 - \sum t_1 \cdot q_1 = 208152,2 - 206014,0 = 2138,2 \text{ киши - кун тежалган.}$$

Меҳнат унумдорлигининг биз юқорида ишлатган натурал ва меҳнат индексларини бир хўжаликнинг ёки табиий ва иқтисодий шароити тенг бўлган бир қанча хўжаликнинг маҳсулот етиштиришдаги меҳнат унумдорлиги динамикасини аниқлашда қўллаш мумкин. Аммо хўжалик гуруҳларининг ер суви, об-ҳавоси ва иқтисодий шароитлари тенг бўлмаган, бу жиҳатдан бир-биридан фарқ қиладиган хўжаликларга нисбатан бу индексларни қўллаб бўлмайди. Табиий ва иқтисодий шароити тенг бўлмаган хўжаликлар, туман, вилоят ва республикаларда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сарфланган меҳнат харажатлари ва меҳнат унумдорлиги динамикасини аниқлаб таққослаш учун меҳнат унумдорлигининг қиймат индекси қўлланилади.

Меҳнат унумдорлигининг қиймат индекси формуласи мана бундай бўлади:

$$I = \frac{\sum q_1 \cdot P}{\sum T_1} \div \frac{\sum q_0 \cdot P}{\sum T_0}$$

Бунда:  $q_1$  ва  $q_0$  – ҳисобот ва базис давридаги маҳсулот ҳажми.



$T_1$  ва  $T_0$  – ҳисобот ва базис давридаги меҳнат харажати (киши-кун, киши-соат).

$P$  – маҳсулотнинг икки даврга тааллуқли ўзгармас баҳоси.

Бу формуладан фойдаланиш учун маҳсулотларнинг ҳажмини унинг шу йилги баҳосига ёки ўзгармас баҳога кўпайтириб ялпи маҳсулот қиймати топилади, сўнгра бу сон шу маҳсулотларни тайёрлаш учун сарфланган ҳамма меҳнат харажати (киши-кунларига) бўлинади. Шу тариқа маҳсулотларнинг қиймати бўйича меҳнат унумдорлиги аниқланади.

Иш ҳақи фонди режанинг бажарилиши амалдаги иш ҳақи фондини режада белгиланган ҳажми билан ҳақиқий фойдаланиш ўртасида тафовут юз берса, бу фарқ ходимларнинг режадаги сонини ошириш ёки камайтириш ва режага нисбатан ўртача иш ҳақи даражасини ошириш ёки камайтириш туфайли содир бўлганлиги аниқланади. Ўртача иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлашнинг муҳим кўрсаткичидир.

Иш ҳақи фонди режанинг бажарилишини таҳлил қилишда барча асосий ходимлар, ишчилар категорияси ходимларининг айрим етакчи касби бўйича иш ҳақининг ўртача кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади.

Бу кўрсаткич айрим категория ходимлари ва ишчилар гуруҳига тўғри келадиган ўртача иш ҳақини ходимларнинг ўртача сонига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Бунда бир ишчининг ўртача ойлик иш ҳақини ҳам, ўртача йиллик иш ҳақини ҳам ҳисоблаш мумкин. Бу кўрсаткичларнинг бир неча йиллиги олиб солиштирилса, жамоа ходимларига тўланадиган ўртача меҳнат ҳақининг ўзгариб бориши-динамикаси аён бўлади. Ўртача иш ҳақининг йиллар бўйи ўзгариб бориши, яъни динамикаси агрегат индекс формуласи ёрдамида аниқланади.

$$I = \frac{\sum X_1 \cdot T_1}{\sum X_0 \cdot T_1}$$

Бунда:  $X_1, X_0$ –ҳисобот ва базис давридаги ўртача иш ҳақи.

$T_1$ –ишчиларнинг ҳисобот давридаги ўртача сони.

### **Қисқача хулосалар**

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларини яхши йўлга қўйиш, ходимларнинг иш турлари бўйича бандлилик заруратини аниқлаш, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. қишлоқ хўжалигида ер асосий ишлаб чиқариш воситаси, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш манбаидир. Ҳар қандай ўсимлик ҳам ерда вужудга келади. Аммо кишиларнинг ҳаёти учун зарур ўсимликларнинг жуда кўпи, бизнинг тушунчамиздаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари кишилар меҳнатининг ҳам самарасидир.

Иқтисодиётнинг ҳамма тармоқлари сингари, қишлоқ хўжалигида ҳам моддий бойликларни кишилар яратади. Ишлаб чиқариш воситалари қанчалик

юксак бўлмасин, жонли меҳнат таъсир қилмаса, у воситалар ҳаракатсиз қолаверади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришда ишчи кучининг роли ғоят каттадир. Статистика фани қишлоқ хўжалигидаги ишчи кучи, меҳнат ресурсларини махсус ўрганади. Ишчи кучларининг сони таркиби ва ҳаракатини ўрганиш, иш вақтидан фойдаланишни аниқлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш тартибини, ҳар хил ходимлар муҳандис-техник ходимлар, хизматчилар, ишчилар ва бошқалар оладиган маошлари даражасини ўрганиш, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилашга ва меҳнат унумдорлигини ошириш захираларини қидириб топиш, меҳнат юзасидан тузилган режаларнинг бажарилишини назорат қилиш статистиканинг асосий вазифасидир.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Меҳнат ресурслари деб нимага айтилади?
2. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодексига биноан меҳнат ресурсларининг қуйи ва юқори чегараларини айтинг ва тушунтиринг.
3. Меҳнат ресурсларининг таркибий қисмлари.
4. Меҳнат ресурслари статистикасининг вазифалари.
5. Меҳнат ресурслари сонини ифодаловчи кўрсаткичлар.
6. Рўйхатдаги ишловчилар сони қандай аниқланади?
7. Ишловчиларнинг ўртача йиллик сони қандай аниқланади?
8. Ишдан бўшатиш коэффиценти деганда қандай кўрсаткич тушунилади?
9. Кадрларнинг доимийлик коэффиценти қандай аниқланади, мазмуни нимадан иборат?
10. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари.
11. Максимал имконият иш вақтидан фойдаланиш коэффиценти нимани билдиради?
12. Рўйхатдаги ишчилардан фойдаланиш коэффиценти.
13. Меҳнат унумдорлиги деб нимага айтилади?
14. Меҳнат унумдорлигининг кўрсаткичлари неча хил бўлади ва уларнинг мазмунини тушунтиринг.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
2. Rangaswamy, R. Specification of a Textbook of Agricultural Statistics (English) 2nd Edition. // Indian, ҳисобот уар.
3. Agriculture, forestry and fishery statistics — 2014 edition. Luxembourg: Publications Office of the European Union, ўтган. Marcel Jortay Director, Sectoral and Regional Statistics
4. Аюбжонов А.Ҳ., Маматқулов Б.Х., Сайфуллаев С.Н.. Қишлоқ хўжалиги статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т., 2012 й
5. Маматқулов Б.Х. Қишлоқ хўжалиги статистикаси фанидан амалий машғулотларни ўтказиш учун ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, ҳисобот. – 176 бет.
6. Абдурахмонов М.А. Қишлоқ хўжалиги статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. – 97 бет
7. Афанасьев В.Н., Маркова А.И.. Статистика сельского хозяйства. Учеб. пособие. – М.: ФиС, ҳисобот
8. Башкатов Б.И. Статистика сельского хозяйства. Курс лекций. Курс лекций. – М.: ЭКМОС, 2014, 128-137 с
9. X.Nabiyev, D.X. Nabiyev. Axmedova M.Sh. Sanoat statistikasi. O'quv qo'llanma. – Т.: ТДИУ, 2011. – 164 бет.
10. Н.М. Харченко. Экономическая статистика. Учебник. – М.: Дашков и К, 2010. – 368 стр.
11. Микроэкономическая статистика. Учебник. Под ред. С.Д.Ильенковой. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 544 стр.

### **3-мавзу. Агробизнес фаолиятида ишлаб чиқариш харажатлари ва молиявий натижалари статистикаси**

#### **Режа:**

1. Агробизнес фаолиятида ишлаб чиқариш харажатлари ва уни статистик ўрганиш аҳамияти.
2. Агробизнес фаолиятида маҳсулот таннархининг ўртача даражаси динамикасига омиллар таъсирини индекс таҳлили.
3. Агробизнес фаолиятида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган фойдани ўзгаришига омиллар таъсирини статистик таҳлили.
4. Агробизнес фаолиятида маҳсулот рентабеллик кўрсаткичлари ва уларни динамикасига омиллар таъсирини индекс таҳлили.

**Калит сўзлар:** ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот таннархи, сотишдан олинган фойда, рентабеллик кўрсаткичлари.

#### **1. Агробизнес фаолиятида ишлаб чиқариш харажатлари ва уни статистик ўрганиш аҳамияти.**

Реал секторда маҳсулот ишлаб чиқаришда бирор иш бажарилишида ёки хизмат кўрсатишда жонли меҳнат ва олдинги ўтган давр меҳнати сарфланади. Улар реал секторда маҳсулот ишлаб чиқаришда, иш бажаришда, хизмат кўрсатишдаги сарфлар ёки харажатлар деб юритилади. Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий сарфи бирор маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун жонли ва ўтган давр меҳнатини тўлиқ харажатларидир.

Тармоқ бўйича ишлаб чиқаришни ижтимоий сарфи ўз ичига шу маҳсулотни ишлаб чиқаришда реал сектор корхонасини тўғридан тўғри сарфини, хўжаликлараро ва тармоқлараро (суғориш тизимидан фойдаланиш, умумий йўллардан, электр тармоқларидан фойдаланиш харажатларини ва хаказо) сарфларни қамраб олади.

Ўтган давр (моддिलाшган) меҳнат турли даражада ривожланаётган тармоқларга тегишли бўлганлиги сабабли уни тўғридан-тўғри ҳисобга олиш услубий жихатидан анча қийиндир. Уни тармоқлараро тўла сарфлар коэффицентларини ҳисоблаш асосида аниқлаш мумкин.

Иқтисодиётда бозор муносабатларини ёрнатилиши халқ хўжалигида, секторларда, тармоқларда, минтақаларда турли мулк шаклларидаги Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳақиқий харажатларни миқдорини аниқ ҳисоблашни тақазо этади.

## 2. Агробизнес фаолиятида маҳсулот таннархининг ўртача даражаси динамикасига омиллар таъсирини индекс таҳлили

Давлат статистика ҳисоботининг таркибидаги «Корхона сарф харажатлари тўғрисидаги ҳисобот»да 5-С шакл ишлаб чиқариш харажатлари қўйидаги сарфларнинг йиғиндисидан ташкил топган:

1. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи;
2. Давр харажатлари;
3. Молиявий фаолият харажатлари;
4. Фавқулотдаги зарарлар.

Биз бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш харажатлари статистикасига тўхталдик.

*Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари деб қандай сарфлар тушунилади?*

Маҳсулотларни тайёрлаш учун қилинган барча моддий ва меҳнат сарфлари йиғиндиси ишлаб чиқариш харажатлари деб юритилади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг ўзгаришини статистик таҳлил қилиш учун иқтисодий индекс усулидан фойдаландик.

ҳисобот йилидаги харажатлар суммасини базис йилидаги харажатлар суммасига солиштириб, унинг умумий ўзгариши нисбий ва мутлоқ кўрсаткичлар бўйича аниқланади. Бунинг учун ишлаб чиқариш харажатлари индекси формуласидан фойдаланиш керак:

$$I_{qz} = \frac{\sum q_1 z_1}{\sum q_0 z_0}$$

бу ерда,  $q_1 z_1$  - ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун сарф бўлган ишлаб чиқариш харажатлари суммаси (ҳисобот йилидаги маҳсулот миқдори ( $q_1$ ) ҳисобот йилидаги бир бирлик маҳсулот таннархи ( $z_1$ ) га кўпайтирилиб, аниқланган харажат суммаси);

$q_0 z_0$  - базис йилида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш харажатлари суммаси.

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг ўзгариши қуйидаги икки омил ҳисобига юзага келган:

1. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдорининг ўзгариши ҳисобига ( $q_1 - q_0$ );
2. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бир бирлиги таннархининг ўзгариши ҳисобига ( $z_1 - z_0$ ).

Ушбу омилларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун қуйидаги икки умумий индекс формулаларидан фойдаланиш зарур:

1. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар физик миқдорининг умумий индекси:

$$I_q = \frac{\sum q_1 z_0}{\sum q_0 z_0}$$

бунда,  $(q_1 z_0)$  - шартли ишлаб чиқариш харажатлари суммаси (ҳисобот йилидаги маҳсулот миқдорини базис йилидаги бир бирлик маҳсулот таннархига кўпайтириб аниқланган харажатлар суммаси).

2. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархининг умумий индекси:

$$I_z = \frac{\sum q_1 z_1}{\sum q_1 z_0}$$

Маҳсулотлар физик миқдори индекси билан маҳсулотлар таннархи умумий индексининг кўпайтмаси ҳар доим ишлаб чиқариш харажатлари умумий индексига тенг келиши шарт:

$$\frac{\sum q_1 z_0}{\sum q_0 z_0} \cdot \frac{\sum q_1 z_1}{\sum q_1 z_0} = \frac{\sum q_1 z_1}{\sum q_0 z_0}$$

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳамма маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари уч асосий гуруҳдан ташкил топади:

- 1) асосий ишлаб чиқариш воситаларининг амортизация ажратмалари;
- 2) хомашё, ёқилғи ва ёрдамчи материаллар уруғлик, ёнилғи, ўғит, ем-хашак ва ҳ.к. харажатлар;
- 3) қишлоқ хўжалиги корхоналари ходимларига тўланадиган иш ҳақи.

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг шу тариха уч гуруҳга бўлиниши барча харажатларнинг иқтисодий мазмунига қараб, жонли меҳнат харажатлари билан буюмлашган меҳнат харажатларининг салмоғини белгилаб, соф маҳсулот ҳажмини аниқлашга ёрдам беради.

Маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатлар калькуляция моддалари бўйича гуруҳларга бўлинади. Бундай гуруҳларга бўлиш калькуляция ҳисобларини қилиш, маҳсулот таннархининг тузилишини ўрганиш, ҳақиқий харажатлар билан режада кўрсатилган харажатлар ўртасидаги фарқни аниқлаш ва таннархни пасайтириш йўллари топиш учун зарурдир.

Турли харажатлар маҳсулот таннархига турлича кўшилади.

Бундай кўшилиш таннарх тузилиши иккига бўлиб ўрганилади:

1) маҳсулотнинг маълум бир турини етиштириш билан боғлиқ ва маҳсулот таннархига батамом кирадиган бевосита харажатлар, масалан, уруғлик, ем-хашак, иш ҳақи ва ҳ.к.;

2) маҳсулотнинг бир неча турини ёки барча маҳсулотларни етиштириш билан боғлиқ бўлган комплекс билвосита харажатлар.

Бунга маҳсулот таннархига қиймати қисман кирадиган, айтайлик транспортни, таъмирлаш ишхоналарини сақлаш, ҳайвонларни боқиш харажатлари ва ҳ.к. киради. Бу харажатлар битта маҳсулотга юклатилмай, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришдаги харажатлар куйидаги калькуляция моддалари бўйича кўрсатилади:

1. Иш ҳақи устамалар; 2. Ёнилғи ва мойлаш материаллари; 3. Уруғликлар; 4. Ўғитлар; 5. Асосий фондлар амортизацияси; 6. Асосий фондларнинг таъмири; 7. Автотранспорт; 8. Бошқа асосий харажатлар; 9. Умумий ишлаб чиқариш ва хўжалик харажатлари.

Чорвачиликда уруғликлар ва ўғитлар харажатлари йўқ, аммо унда ем-хашак, дори-дармон харажатлари бор.

Барча тармоқлардаги маҳсулот таннархи киши меҳнати сарфларидан иборат. Бундай меҳнатнинг бир қисми маҳсулот ишлаб чиқаришга бевосита сарфланади ва бу жонли меҳнат деб аталади. Меҳнатнинг яна бир қисми шу маҳсулотни ишлаб чиқаришда қатнашадиган техника, сарфланадиган материаллар, ем-хашак, уруғликлардан иборат бўлиб, меҳнатнинг бу қисми ўтган ёки моддийлашган меҳнат деб аталади. Таннархни ташкил этувчи харажатлар моддий харажатлардан (уруғлик, ўғит, ем-хашак қиймати, техника ва инвентарларнинг амортизация қиймати) ва меҳнат харажатларидан (пул билан ифодаланган жонли меҳнат – иш ҳақи, меҳнат таътили пуллари ва ҳ.к. дан) иборат.

Маҳсулот таннархи ширкатлар ва фермалар ишининг асосий сифат кўрсаткичларидан биридир. Маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажат камайса, таннарх камаяди. Хўжаликнинг иқтисодиёти юксалади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархи статистикасининг вазифаси маҳсулот етиштиришда меҳнат ва моддий маблағлар харажати тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини тўплаш, уларни қайта ишлаб чиқиш ва иқтисодий таҳлил қилишдан иборат. Маҳсулот таннархи материалларини таҳлил қилишда таннарх ва рентабеллик даражаси, таннарх юзасидан белгиланган режанинг бажарилиши, таннарх динамикаси, харажатлар таркиби ва ҳ.к. кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш лозим.

Маҳсулот таннархини камайтириш учун меҳнат унумдорлигини ошириш, асосий фондлардан рационал фойдаланиш қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги, чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш, материал сарфларини камайтириш ва ишлаб чиқаришда тежамкорликка қаттиқ риоя қилиш зарурдир.

### **3. Агробизнес фаолиятида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган фойдани ўзгаришига омиллар таъсирини статистик таҳлили**

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хар бир турини тавсифлашда статистика натура ва шартли натура кўрсаткичларидан фойдаланади, хўжалик ва унинг тармоқлари, туман, вилоят ва республика бўйича иқтисодиётнинг умумий

натижаларига баҳо беришда улардан фойдаланиб булмайди. Шунинг учун қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади. Қиймат кўрсаткичларининг устунлиги шундан иборатки, улар ҳар турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг (пахта, буғдой, гўшт, сут ва ҳ. казоларнинг) таққосламалигини таъминлайди, хўжалик фаолиятининг жамловчи ҳамда иқтисодиётнинг барча жабхалари бўйича умумлаштирувчи қиймат кўрсаткичларни аниқлаш имкониятини яратади. Умумлаштирувчи қиймат кўрсаткичлари хўжаликлар, регионлар ва мамлакат иқтисодиётига баҳо беришда ишлатиладиган асосий кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади.

Миллий ҳисоблар тизими иқтисодиётга кириб келганга қадар қишлоқ хўжалигининг асосий умумлаштирувчи қиймат кўрсаткичлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланган:

1. Ялпи маҳсулот;
2. Товар маҳсулоти;
3. Сотилган маҳсулот;
4. Якуний маҳсулот;
5. Соф маҳсулот.

*Ялпи маҳсулот.* Бу – тайёр маҳсулот билан тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари ўзгаришининг суммалари йиғиндиси тариқасида аниқланувчи умумлаштирувчи қиймат кўрсаткичи бўлган.

*Товар маҳсулоти.* Бу – сотиш учун тайинланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажмини ифодаладиган умумлаштирувчи қиймат кўрсаткичи бўлган.

*Сотилган маҳсулот.* Бу – истеъмолчиларга бевосита етказиб берилган (сотилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини ифодаладиган умумлаштирувчи қиймат кўрсаткичи бўлган.

*Якуний маҳсулот.* Бу – ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш истеъмоллари ҳамда жамғарма учун йўналтирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қийматини ифодаловчи кўрсаткич бўлган.

*Соф маҳсулот.* Бу – ялпи маҳсулот билан уни ишлаб чиқариш учун сарф бўлган моддий харажатлар қийматлари орасидаги фарқ тариқасида аниқланган умумлаштирувчи қиймат кўрсаткичи бўлган.

#### **4. Агробизнес фаолиятида маҳсулот рентабеллик кўрсаткичлари ва уларни динамикасига омиллар таъсирини индекс таҳлили.**

Маҳсулот таннархини таҳлил қилишда статистиканинг муҳим вазифаси маҳсулот таннархи бўйича режа кўрсаткичларининг бажарилишини назорат қилиш, таннарх динамикасини кузатиш ва маҳсулот таннархига таъсир қиладиган омилларни таҳлил қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини пасайтириш учун манбалар топишда хўжаликларга ёрдам беришдир. Маҳсулот таннархининг иқтисодий таҳлилида асосан индекс методи қўлланилади. Агар бир хилдаги маҳсулотни, масалан, таннарх юзасидан режада белгиланган кўрсаткичнинг бажарилиши ёки динамикасини шу йил



кўрсаткичини ўтган йил кўрсаткичи билан таққослаб аниқламоқчи бўлсак, унинг формуласи:

$$I = Z_1 : Z_0 \text{ шаклда бўлади.}$$

Бунда: I- алоҳида индекс

$Z_1$ -ҳисобот йилидаги маҳсулот таннархи

$Z_0$  -базис йилидаги маҳсулот таннархи.

Агар бир эмас, бир қанча маҳсулот таннархини бир йўла битта қилиб аниқламоқчи бўлсак, у ҳолда таннархнинг умумий индексидан фойдаланиб қуйидаги формулани ишлатамиз:

$$I = \frac{\sum Z_1 \cdot q_p}{\sum Z_p \cdot q_p} \quad \text{ёки} \quad I = \frac{\sum Z_1 \cdot q_1}{\sum Z_0 \cdot q_1}$$

Бунда: I-умумий индекс.

$Z_1$ -ҳисобот йилидаги маҳсулот таннархи

$Z_0$ -базис йилдаги маҳсулот таннархи.

Фойда – ишлаб чиқариш жараёнида яратилган қўшимча маҳсулотнинг бир қисмидир ва ўзгарган шаклидир. Демак, фойда ишлаб чиқариш жараёнида қўшимча маҳсулот тарикасида ташкил топади, аммо у маҳсулот сотилгандан кейин ўз шаклида намоён бўлади. Маҳсулот сотишдан олинган фойдани аниқлаш учун сотилган маҳсулотлар қийматидан (маҳсулотни сотишдан олинган пул тушумидан) маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархини чегириб ташламоқ керак, яъни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$\sum qp - \sum qz$$

бунда,  $q$  – у ёки бу даврда сотилган ҳар бир маҳсулотни миқдори;

$p$  – ҳар бир сотилган маҳсулотнинг у ёки бу даврдаги ўртача сотиш баҳоси;

$qp$  – сотилган жами маҳсулотнинг қиймати (сотишдан олинган жами пул тушуми);

$qz$  – сотилган жами маҳсулотнинг таннархи;

$qp - qz$  – маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда суммаси.

Шу келтирилган формуладан фойдаланиб базис даври учун ҳам, ҳисобот даври учун ҳам ялпи фойда суммасини аниқлаш мумкин:

Базис баври учун  $q_0 p_0 - q_0 z_0$ .

ҳисобот даври учун  $q_1 p_1 - q_1 z_1$ .

Корхона фойдасининг мутлақ миқдори унинг массасини (ҳажмини) ташкил қилади. Фойда массасини харажатларга, ресурсларга, капиталга нисбати унинг нисбий миқдорини ифодалайди. Бу кўрсаткич рентабеллик деб аталади. Рентабеллик 1 сўмлик ёки 100 сўмлик харажатлар, ресурслар, капиталлар ҳажмига нисбатан неча сўмлик фойда олинганлигини ёки зарар

кўрилганлигини ифодалайди. Биз бу ерда харажатларга нисбатан ҳисобланган рентабелликнинг статистик таҳлилини кўриб чиқамиз.

Сотилган маҳсулотлар рентабеллигини аниқлаш учун маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойдани 100 %га кўпайтириб, натижасини сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига бўламиз:

$$r = \frac{p-z}{z} \cdot 100$$

бунда,  $p$  - сотилган маҳсулотлар бир бирлигининг ўртача сотиш баҳоси;  
 $z$  – сотилган маҳсулотлар бир бирлигининг ишлаб чиқариш таннархи;  
 $(p-z)$  – сотилган маҳсулотлар бир бирлигидан олинган фойда.

Ушбу формула ёрдамида рентабеллик даражасини базис ва ҳисобот йиллари учун аниқлаб олинади, сўнгра солиштириб ўзгариши аниқланади. Ушбу ўзгариш бевосита икки омил ҳисобига содир бўлади:

1. Ўртача баҳонинг ўзгариши ҳисобига;
2. Ўртача таннархнинг ўзгариши ҳисобига.

### **Баҳс мунозаралар учун саволлар**

1. Агробизнес фаолиятида ишлаб чиқариш харажатлари деб қандай сарфлар тушунилади?
2. Ишлаб чиқариш харажатларининг статистик таҳлили.
3. Ишлаб чиқариш харажатлари динамикаси индексининг мазмунини тушунтиринг.
4. Маҳсулот таннархи деб нимага айтилади?
5. Маҳсулот бир бирлигининг таннархи қандай аниқланади ва қандай статистик таҳлил этилади?
6. Ўртача таннарх қандай аниқланади ва унинг индекси қандай ифодаланади, таърифланади?
7. Ишлаб чиқариш таркиби ва доимий таркибдаги маҳсулот таннархи индексларини тушунтиринг.
8. Маҳсулот таннархи умумий индекси формуласи асосида таннархни статистик таҳлил қилинг.
9. Маҳсулотларни сотишдан олинган фойданинг мазмунини ва уни аниқлаш усулини тушунтиринг.
10. Ялпи фойдани индекс усулидан фойдаланиб, статистик таҳлил қилинг.
11. Ялпи фойданинг ўзгаришига Қайси омиллар таъсир қилади ва уларнинг таъсирини Қайси индекслардан фойдаланиб, аниқлаш мумкин.
12. Рентабеллик деб нимага айтилади, унинг мазмунини тушунтиринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил

- яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
2. Rangaswamy, R. Specification of a Textbook of Agricultural Statistics (English) 2nd Edition. // Indian, ҳисобот уар.
  3. Agriculture, forestry and fishery statistics — 2014 edition. Luxembourg: Publications Office of the European Union, ўтган. Marcel Jortay Director, Sectoral and Regional Statistics
  4. Аюбжонов А.Х., Маматқулов Б.Х., Сайфуллаев С.Н.. Қишлоқ хўжалиги статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т., 2012 й
  5. Маматқулов Б.Х. Қишлоқ хўжалиги статистикаси фанидан амалий машғулотларни ўтказиш учун ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, ҳисобот. – 176 бет.
  6. Абдурахмонов М.А. Қишлоқ хўжалиги статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. – 97 бет
  7. Афанасьев В.Н., Маркова А.И.. Статистика сельского хозяйства. Учеб. пособие. – М.: ФиС, ҳисобот
  8. Башкатов Б.И. Статистика сельского хозяйства. Курс лекций. Курс лекций. – М.: ЭКМОС, 2014, 128-137 с
  9. X.Nabiyev, D.X. Nabiyev. Axmedova M.Sh. Sanoat statistikasi. O'quv qo'llanma. – Т.: ТДИУ, 2011. – 164 бет.
  10. Н.М. Харченко. Экономическая статистика. Учебник. – М.: Дашков и К, 2010. – 368 стр.
  11. Микроэкономическая статистика. Учебник. Под ред. С.Д.Ильенковой. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 544 стр.

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР**

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР**

Амалий машғулот **мақсади** тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машғулотлар республикамиздаги илғор корхона ва ташкилотларда ўтказилади ҳамда амалий фаолият билан машғул бўлган амалиётчилар билан ҳамкорликда ўтказилади. Машғулот давомида тингловчилар кадрларни инновацион бошқариш, инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши, корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш тажрибаси, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш, Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиши тўғрисида амалий кўникмалар ҳосил қиладилар.

#### **1 - амалий машғулот:**

**Агробизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида статистик ўрганишнинг илмий-услубий асослари.**

**Дарс шакли баҳс-мунозара.** Ишнинг мақсади тингловчиларда реал сектор ривожланишнинг моҳияти, иқтисодиёт ва унинг шаклланиши ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун куйидаги масалалар муҳокама этилади:

1. Ўзбекистон агробизнес фаолиятида хўжалик юритиш шакллари барқарор ривожлантиришнинг объектив зарурияти ва ўзига хос хусусиятлари
2. Агробизнес фаолиятида хўжалик юритиш шакллари самарадорлигини статистик баҳолашнинг назарий асослари
3. Агробизнес фаолиятини ривожлантиришда илғор мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари

#### **🔗 Муҳокама учун саволлар**

**Назорат саволлари:** реал сектор, хўжалик юритиш шакллари, аграр соҳа, саноат тармоғи, фермер хўжаликлари, иқтисодий самарадорлик, ишаб чиқариш, ялпи, товар маҳсулот, ялпи даромад, соф даромад, фойда

## **2-амалий машғулот:**

### **Агробизнес фаолиятини бошқаришда меҳнат ресурслари ролини статистик ўрганиш**

**Дарс шакли:** Дебат усули. **Ишнинг мақсади** меҳнат ресурсларининг шаклланиши, унинг ҳуқуқий муҳофазаси, ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш борасида муаммоларни илгари суриш ва муҳокама этиш. Бунда илмий техника ишланмаларини тижоратлаштириш, илмий кашфиётлар, ихтиролар ва лицензиялашдаги тўсиқлар борасида дебат уюштирилади.

**Қуйидаги масалалар ўртага ташланади:**

- Агробизнес фаолиятида меҳнат ресурслари ва уни статистик ўрганиш аҳамияти.
- Агробизнес фаолиятида банд бўлган меҳнат ресурслари кўрсаткичлари.
- Агробизнес фаолиятида ходимлар ҳаракати кўрсаткичлари.
- Замонавий инновацион стратегиялар ва инновациялар маркетинги.

**Назорат саволлари:** меҳнат ресурслари, ходимлар ҳаракати, иш вақти фонди, меҳнат унумдорлиги.

## **3-амалий машғулот:**

### **Агробизнес фаолиятида ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва молиявий натижалари статистикаси.**

**Дарс шакли:** Кейс - стади.

**Кейс-стади** – Агробизнес фаолиятида ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва молиявий натижалари статистикаси.

**Муҳокама қилинадиган масалалар:**

1. Ишлаб чиқариш ҳаражатларининг статистик таҳлили.
2. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари динамикаси индексининг мазмунини тушунтириш.
3. Ишлаб чиқариш таркиби ва доимий таркибдаги маҳсулот таннархи индексларини тушунтириш.
4. Маҳсулот таннархи умумий индекси формуласи асосида таннархни статистик таҳлил қилиш.
5. Маҳсулотларни сотишдан олинган фойданинг мазмунини ва уни аниқлаш усулини тушунтириш.
6. Ялпи фойдани индекс усулидан фойдаланиб, статистик таҳлил қилиш.
7. Ялпи фойданинг ўзгаришига қайси омиллар таъсир қилади ва уларнинг таъсирини қайси индекслардан фойдаланиб, аниқлаш мумкин.
8. Рентабеллик деб нимага айтилади, унинг мазмунини тушунтириш.

**Назорат саволлари:** Маҳсулот таннархи. Маҳсулот бир бирлигининг таннархи. Ўртача таннарх. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари. Маҳсулотларни сотишдан олинган фойда. Ялпи фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар. Рентабеллик.

## **V. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР**

“Агробизнес статистикаси” модулидан битирув ишлари учун куйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида фаннинг мазмуни, мақсади ва вазифалари.
2. Корхона маҳсулоти статистикаси
3. Ходимлар сони, таркиби ва иш вақтидан фойдаланиш статистикаси
4. Меҳнат унумдорлиги статистикаси
5. Иш ҳақи статистикаси
6. Корхона асосий фондлари статистикаси
7. Ишлаб чиқариш машина ускуналари статистикаси
8. Энергетик ускуналар статистикаси
9. Ишлаб чиқариш харажатлари статистикаси
10. Корхоналар фаолиятининг молиявий натижа кўрсаткичлари
11. Ер – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш воситаси ва уни статистик ўрганиш аҳамияти
12. Қишлоқ хўжалиги ерлари статистикаси
13. Қишлоқ хўжалиги асосий фондлари статистикаси
14. Қишлоқ хўжалиги техникаси статистикаси
15. Қишлоқ хўжалиги айланма фондлари статистикаси.
16. Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурслари статистикаси
17. Дехқончилик статистикаси
18. Чорвачилик статистикаси
19. Фермер хўжаликлари статистикаси

## **VI. КЕЙСЛАР БАНКИ**

### **БИРИНЧИ НАМУНА.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Хўжақулов Х.Ж., Маматқулов Б.Х.**

**“Агробизнес статистикаси” ўқув курсининг  
“Деҳқончилик статистикаси” мавзуси бўйича тайёрланган**

### **КЕЙС- СТАДИ**

**Кейс:** «Курамбой бобо набираси Тохир-Зухра ” фермер хўжалигида бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртача ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши қай даражада таъсир қилганлигини ўрганиш .

**Тошкент – 2019**

## I. Кейс

**1. Фаннинг номи:** “Агробизнес статистикаси .

**Мавзунинг номи:** “Дехқончилик статистикаси ” мавзусига мосланган кейс-стади.

**2. Берилган кейснинг мақсади:** Дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини Хоразм вилояти Боғот тумани «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра ” фермер хўжалигининг ўтган-ҳисобот йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлари асосида ҳисоблаймиз;

**Кутилаётган натижалар:** Фермер хўжалиги фаолиятини ўрганган ҳолда, билимни чуқурлаштириш, ялпи маҳсулот яратиш учун сарфланган маблағларни миқдорини аниқлаш, ялпи маҳсулот миқдорини, таркибини, фойдаланиш даражасини ва унга таъсир этувчи омилларни таҳлилини ўрганиб чиқиш ва берилган муаммоларни ечиш. Кейс муқоффақиятли ечиш учун талабалар қўйидаги натижаларга эришишлари лозим: қишлоқ хўжалигида, турли мулк шаклларидаги хўжаликларда, минтақаларда ялпи маҳсулот миқдорини, уларнинг таркиби ва ҳолатини, уларнинг ҳаракатини аниқлаш, ялпи маҳсулотга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш.

**3. Мазкур кейс институционал тизимнинг реал фаолият асосида ишлаб чиқилган;**

**4. Кейсда ишлатилган маълумотлар манбаи** қуйидагилардан иборат: Хоразм вилояти Боғот тумани «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра ” фермер хўжалигининг ўтган-ҳисобот йилдаги иқтисодий кўрсаткичлари асосида, ушбу корхонанинг низоми, Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигининг статистик маълумотлари.

**5. Мазкур кейс дала тадқиқотлари** асосида сюжетли тоифасига киради. Ҳолат бирлашманинг таҳлилий кўрсаткичлари асосида тузилган. Кейснинг объекти бўлиб: Хоразм вилояти Боғот тумани «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра” фермер хўжалигининг Хоразм вилояти Боғот тумани «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра” фермер хўжалигининг ҳисобланади. Ушбу кейс маълумотлар ва далиллар асосида ишлаб чиқилган. У тузилмавий ва катта ҳажмдаги кейс – стади ҳисобланади.

**6. Дидактик мақсадларга кўра** кейс – таҳлилларни ўргатиш ва баҳолаш ҳисобланади. Шу сабабдан, кейс муаммосининг шаклланиши ва тузилиши унинг масаласининг ечимида алгоритм ва таҳлил асосида ишлаб чиқилган. Голограмма сифатида баъзи маълумотлар назарий жиҳатдан берилган бўлиб, қўшимча ахборотлар муаммоли ҳолатларни амалий машғулотларда ўз ечимларига эга бўлади.

**Кейснинг афзалликларига қуйидагилар киради:** Ўқув дарсининг кейс – технология ўқитиш бўйича, талабаларнинг ўзи ташкил этган иш фаолиятининг таъминловчи ва унинг натижавий баҳосини белгиловчи “Ҳолатий таҳлил варақаси” мавжуд.

**7. Ушбу кейс – “Меҳнат статистикаси”, “Иқроиқтисодий статистика ва МҲТ”,** фанларининг машғулотларида фойдаланиш мумкин.



## КИРИШ

Республикаимиз ҳукуматининг фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсати ҳозирги вақтда, айниқса, қишлоқ жойларда иқтисодий инфраструктурани ишбилармон тадбиркорлар томонидан такомиллаштириш ва қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш учун қулай имкониятлар яратмоқда.

Кўп харажатлар талаб қилинишига қарамай, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш тадбиркорлар олдида турган долзарб вазифалардан энг асосийси ҳисобланади.

Қуйидаги маълумотда Хоразм вилояти Боғот тумани «Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигининг иш фаолияти ҳақида асосий тушунчалар, деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибини ва фойдаланиш даражаси ҳақида ва бошқа маълумотлар берилган.

**Деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш айрим турлари натурада, умумий ҳажм ва таркиби пул қийматида ҳисобга олинади, чунки асосий фойдаларни пул қийматида ҳисоблаш шу хўжаликда асосий фондларни яратиш учун сарфланган маблағларни миқдори, шунингдек, асосий фондларнинг етиштирилган маҳсулотларга ўтган қийматини аниқлаш имконини беради. Натижада деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг асосий натижавий кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш мумкин бўлади.**

Мазкур кейсда ушбу фермер хўжалигининг ҳисобланган ҳар бир кўрсаткичи мустақил иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, фермер хўжалигида ялпи ҳосилни яратиш учун сарфланган маблағ миқдорини аниқлаш имконини беради. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бухгалтерия ҳисобида деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошланғич қийматида ҳисобга олинади. Шу билан бирга деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш турли вақтларда ҳосил қилинади, демак уларнинг баҳолари ҳам турлича булади. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг асосий натижавий кўрсаткичлари экин турлари бўйича ялпи ҳосил ва ҳосилдорлик тушунчаси, уларни ишлаб чиқаришнинг турли даврларида аниқлаш усулларини, турли экинларни ҳосилдорликни нобуд бўлиш даражаси ва уни сабаблари, нобуд бўлган ҳосил миқдорини ҳисоблашни, ялпи ҳосил миқдори ва унга таъсир қилувчи омилларни, ҳосилдорлик даражаси динамикасини ўрганиб ўзгариш хусусиятлари, яъни қонуниятни аниқлаш ва узоқ муддатда табиий омилларни таъсирини ўрганади.

**Кейсда масаланинг ечими орқали қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:**

- мазкур мавзу бўйича билимни чуқурлаштириш;
- индивидуал ва гуруҳларда муаммонинг ечими таҳлилини ва қарор қабул қилиш кўникмаларини ишлаб чиқиш;
- мантиқий фикр юритишни жонлантириш;
- мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

- ўқув маълумотларни ўрганиш даражасини текшириш;
- ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўллари топиш.

### **1. «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра» фермер хўжалигига иқтисодий тавсифнома**

*Ташкилотнинг манзили:*

Фермер хўжалиги Хоразм вилояти, Боғот туманида жойлашган бўлиб, 1998 йилдан бошлаб фаолият юритади.

*Ташкилотнинг тўлиқ номланиши:*

«Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра» фермер хўжалиги.

*Ташкилотнинг ташкил этилган йили:*

Хоразм вилояти Боғот тумани Ҳокимининг 1998 йил 10 мартдаги 234-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган.

**Ташкилотнинг шакли:**

«Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра фермер хўжалиги» юридик шахс мақомига эга бўлиб, тумани Ҳокимининг 1997 йил 22 мартдаги 70-сонли қарорига асосан рўйхатга олинган.

*Ташкилотнинг фаолият тури:*

«Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра фермер хўжалиги» кўйидаги маҳсулот турлари етиштириш билан шуғулланади:

1. Пахта
2. Буғдой
3. Шоли

*Ташкилотнинг мақсад ва вазифалари:*

- ишлаб чиқаришни янада кучайтириш ва ҳалқаро миқёсда кенгайтириш;
- шаҳар аҳолиси ва маҳаллий аҳолини ўзининг сифатли маҳсулотлари билан таъминлаш;
- жойларда савдо шахобчаларини ташкил этиш ва қулай шароитда аҳолига кенг хизмат кўрсатиш;
- табиий деҳқончилик маҳсулотларини кўпайтириш ва даромад олиш.

### **2. «ҚУРАМБОЙ БОБО НАБИРАСИ ТОҲИР-ЗУҲРА» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ**

*Ташкилотнинг бошқарув тузилиши:*


«Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра » фермер хўжалиги юридик шахс мақомига эга бўлиб, давлат томонидан бошқарилмайди. «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра » фермер хўжалиги хусусий бўлганлиги сабабли, «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра» фермер хўжалиги 2000 йилда тасдиқланган ва Хоразм вилояти Боғот тумани Ҳокимининг 2000 йил 10 майдаги 305-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган низомининг V бандига асосан иш юритилади. «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра » фермер хўжалиги низомининг V-17 бандида ёзилишича, «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра » фермер хўжалиги 18 (ўн саккиз) ёшга тўлган, қишлоқ

хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган, муомалага лаёқатли хўжалик аъзоларидан бири раҳбарлик қилиши мумкин. «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра ” фермер хўжалиги раҳбариятидан ташқари маҳаллий ишсизлар сонини камайтириш мақсадида «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра ” фермер хўжалиги яқин атрофдаги маҳалланинг 32 нафардан ортиқ аъзосини хўжаликда меҳнат қилишга жалб этган. Олинган 10 нафардан ортиқ ишчи кучини малакасини ошириш учун керакли чора-тадбирларни амалга оширилган бўлиб «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра ” фермер хўжалиги иқтисодиётини кўтариш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни рақобатбардош ва юқори сифатли бўлишини таъминлаш вазифаси бирлашма зиммасига олинган.

### Чизма №1

*Ташкилотнинг бошқарув шакли:*

### Хоразм вилояти Боғот тумани «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра ” фермер хўжалигининг бошқарув шакли:



3. Хоразм вилояти Боғот тумани «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра » фермер хўжалигининг деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳақида маълумот

3.1. Деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ўрганиш.

Қишлоқ хўжалиги статистикасида деҳқончиликда маълум экин майдонидан олинган бутун маҳсулот ялпи ҳосил деб аталади. Маълум бир турдаги экиннинг ўрта ҳисобда бир гектар майдонга тўғри келадиган маҳсулоти миқдори эса ҳосилдорлик деб аталади.

Экинларнинг ялпи ҳосилини (центнер ёки тонна ўлчовида) экин майдонини кенгайтириш ҳисобига экстенсив равишда ёки экиннинг ҳосилдорлигини ошириш – экин майдонидан интенсив равишда фойдаланиш йўли билан кўпайтириш мумкин. Маълумки, экин майдонларини узлуксиз кенгайтириб бўлмайди. Қўриқ ерлар очиш, ботқоқларни қуритиш ва бошқалар бечегара иш эмас. Шунинг учун экинларнинг ялпи ҳосилини ҳосилдорликни ошириш ҳисобига кўпайтириш энг муҳим вазифадир.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосил ва ҳосилдорлиги деҳқончилик тармоғининггина эмас, балки, умуман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш даражасининг кўрсаткичидир.

Экинларнинг ҳосили ва ҳосилдорлиги деҳқончиликнинг ҳар томонлама ривожланишига боғлиқ. Хўжаликнинг табиий ва иқтисодий қулай шароитидан ташқари унинг ташкилий ишлари яхши йўлга қўйилган бўлса, айтайлик, ернинг самарадорлиги оширилса, мелиорация ҳолати яхши бўлса, минерал ва маҳаллий ўғитлардан тўғри фойдаланилса, техника ўз вақтида қўлланилса, ишда илғорларнинг тажрибаларига, илм-фан муваффақиятларига амал қилинса, экинларнинг ҳосилдорлиги ошади. Демак, ялпи ҳосил ҳам кўпаяди, халқимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини янада кўпроқ қондириш, саноатни хомашё билан янада яхшироқ таъминлаш имконияти кенгайди. Ҳосилдорликни ошириш учун пахта-беда алмашлаб экишни ўзлаштириш ниҳоясига етказилиши, пахтанинг касалликларга бардош берадиган серҳосил навларини яратиш, ғўзани суғориш ва ҳосилни териш механизацияси даражаси оширилиши зарур.

**3.2. Хоразм вилояти Боғот тумани «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра » фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг асосий натижавий кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни статистик таҳлили**

Хоразм вилояти Боғот тумани «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра » фермер хўжалигида деҳқончилик маҳсулотлари бўйича ялпи ҳосилни ўзгаришига таъсир этувчи омиллар бўйича омилли таҳлил қилиниши лозим.

«Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра » фермер хўжалигида дон маҳсулотларининг экин майдони ва ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотлар берилган.

№	Экин турлари	Ўтган йил		Ҳисобот йил	
		майdonи, га	ҳосилдорлик, ц/га	майdonи, га	ҳосилдорлик, ц/га
		$M_0$	$X_0$	$M_1$	$X_1$
1	Буғдой	35	36,4	36	37,0
2	Шоли	40	28,2	43	28,5
3	Макка дон учун	55	28	45	34
<b>Ҳаммаси</b>		<b>130</b>	<b>---</b>	<b>124</b>	<b>---</b>

«Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигида бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртача ҳосилдорлиги даражасига экин майdonи таркиби ва ҳосилдорлиги ўзгариши таъсир қилади. Бу таъсирни аниқлашда иқтисодий индекс усулидан фойдаланилади. Маълумки, ялпи ҳосил, экин майdonи таркиби ва ҳосилдорликни умумий индекси бир турдаги экин турлари бўйича ҳисобланади.

#### 4. Талабаларга бериладиган мулоҳаза учун саволлар

1. Ҳосил ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари деб нимага айтилади?
2. Ҳосилдорлик кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш.
3. Ялпи ҳосил динамикасининг статистик таҳлили.
4. Ялпи ҳосил ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг индекслари.
5. Экин майdonлари структураси индексини аниқланг ва мазмунини тушунтиринг.

#### 5. Талабалар учун услубий қўлланмалар

##### **Муаммо:**

«Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигида бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртача ҳосилдорлиги даражасига экин майdonи таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши қай даражада таъсир қилганлигини ўрганиш .

##### **Вазифалар:**

Жадвалларда келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланисин:

1. Ҳосилдорликнинг алоҳида индекслари.
2. Ҳосилдорликнинг умумий индекси.
3. Ўртача ҳосилдорлик индекси.
4. Ўртача ҳосилдорликнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:
  - а) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.
  - б) Экин майdonлари таркибини ўзгариши ҳисобига.
5. Ялпи ҳосилнинг умумий индекси.
6. Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:

- а) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.  
 б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.

**Ечиш алгоритми:**

Бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртача ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркиби ва ҳосилдорлиги ўзгариши таъсир қилади. Бу таъсирни аниқлашда иқтисодий индекс усулидан фойдаланилади. Маълумки, ялпи ҳосил, экин майдони таркиби ва ҳосилдорликни умумий ин-декси бир турдаги экин турлари бўйича ҳисобланади. Масалан, донли экинлар, сабзавот ва ем-хашак экинлари бўйича.

Масалани шартда донли экинлар майдони ва ҳосилдорлиги ҳақида маълумотлар берилган. Донли экинларни ҳосил ва ҳосилдорлиги ўзгариши ҳақидаги маълумотларни таҳлил этишда иқтисодий индекс усулидан фойдаланамиз.

Масалани биринчи шартда ҳосилдорликнинг алоҳида индексини ҳисоблаш сўралган. Бунинг учун ҳар бир экин тури бўйича ҳосилдорлик-ни ўзгариши қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

Кузги буғдой:  $i = \frac{X_1}{X_0}$

Шоли:  $i = \frac{X_1}{X_0}$

Макка дон учун:  $i = \frac{X_1}{X_0}$

Масалани иккинчи шартда ҳосилдорликнинг умумий индексини ҳисоблаш сўралган. Буни ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$I = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_1}$$

$$I = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_1}$$

Масалани учинчи шартда ўртача ҳосилдорлик индексини ҳисоблаш сўралган. Буни бажариш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$I = \frac{\bar{X}_1}{\bar{X}_0} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} \cdot \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0}$$

$$I = \frac{\bar{X}_1}{\bar{X}_0} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} \cdot \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0}$$

Ўртача ҳосилдорликни мутлақ ўзгаришини ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_x = \bar{X}_1 - \bar{X}_0$$

$$\Delta_x = \bar{X}_1 - \bar{X}_0$$

Шу жумладан:

а) Ўртача ҳосилдорликни, ҳосилдорлик ўзгариши ҳисобига ўзгари-шини куйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$\Delta_x = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1}$$

$$\Delta_x = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1}$$

б) Ўртача ҳосилдорликни, экин майдонлари таркиби ўзгариши ҳисобига ўзгаришини куйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$\Delta_x = \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0}$$

$$\Delta_x = \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0}.$$

Ялпи ҳосилнинг умумий индексини куйидаги формуладан фойдаланиб ҳисоблаймиз:

$$I_{яx} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_0}$$

$$I_{яx} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_0}$$

Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгаришини куйидаги формуладан фойдаланиб ҳисоблаймиз:

$$\Delta_{яx} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_0$$

$$\Delta_{яx} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_0$$

Шу жумладан:

а) Ялпи ҳосилни ҳосилдорлик ўзгариши ҳисобига ўзгаришини аниқлашда куйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_{яxm} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_1$$

$$\Delta_{яxm} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_1.$$

б) Ялпи ҳосилни, экин майдони таркиби ўзгариши ҳисобига ўзгаришини аниқлашда куйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_{яxm} = \sum X_0 M_1 - \sum X_0 M_0$$

$$\Delta_{яxm} = \sum X_0 M_1 - \sum X_0 M_0$$

**Ҳисобланилган кўрсаткичлар асосида хулоса ёзилади.**

### *Ҳолатий таҳлилнинг варақаси*

Таҳлил босқичининг номи	Таҳлил босқичининг мазмуни	Таҳлил босқичи	Баҳолаш мезонлари
1. Ҳолатий таҳлил	1. Ҳолатнинг аниқ кўриниши ва масаланинг ҳал этилиши, ечилиши учун аниқ маълумотлар. 2. Ҳолатнинг энг муҳим хусусиятлари: Нима бўлмоқда? Ҳолатнинг натижаларини шаклланиши қандай?		1 – 0.5 балл 2 – 1 балл
2. Муаммонинг шаклланиши	Муаммода акс эттирувчи асосий хусусиятлар ҳисоблансин: Ҳосилдорликнинг алоҳида индекслари. 2. Ҳосилдорликнинг умумий индекси. 3. Ўртача ҳосилдорлик индекси. 4. Ўртача ҳосилдорликнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан: <i>а) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.</i> <i>б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.</i> 5. Ялпи ҳосилнинг умумий индекси. 6. Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан: <i>а) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.</i> <i>б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.</i>		А) – 0.5 балл Б) – 0.5 балл В) – 1 балл
3. Ҳолатнинг иштирокчиларини аниқлаш	«Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигининг иқтисодий тавсифномаси, иш фаолияти ва таркиби, бошқариш тизими		1 балл
4. Омилли таҳлил асосида ҳолатнинг ўрганиш	«Қурамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигида бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртача ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши қай даражада таъсир қилганлигини ўрганиш .		2 балл
5. Ечимни ишлаб чиқиш	Масаланинг ечимини ҳал қилмоқ ва ишлаб чиқиш, махсулотга таъсир омиллар салбий ва ижобий таъсирини аниқлаб тегишли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш.		2 балл

### **6. Ўқув - услубий материаллар**

Маълумки, экинларнинг ҳосил ва ҳосилдорлиги ҳосил тамомила йиғиб олингандан сўнг аниқланади. Лекин статистика фани ҳосил ҳажми ва ҳосилдорлик миқдорини терим олдида ҳам ҳар бир экиннинг ўзига хос хусусиятини эътиборга олиб белгилайди. Ҳосил ва ҳосилдорликни аниқлашнинг уч категорияси бор:

1) ўсиб турган экиннинг кўринишига қараб белгилаш;

2) терим олдидаги ҳолатига қараб белгилаш;

3) ҳақиқий йиғилган ва омборга тушган ҳосил. Ўсиб турган экиннинг ҳолатига қараб ҳосил белгилаш, деганда экин етилишидан анча олдин ўсиш даврларида, айтайлик, пахта беш қулоқ бўлганида ёки кўсак олганда, дон эса бошоқ тортганида ёппа ўсимликларнинг ҳолатига қараб кутилган ҳосил ва ҳосилдорликни аниқлаш кўзда тутилади. Бу ишни ҳосилотчи ва бўлим



бошлиғи кўз билан чамалаб «яхши», «ўртача», «ёмон» баҳо билан ёки 1, 2, 3, 4, 5 балл баҳоси билан белгилайдилар.

Экиннинг терим олдидаги ҳолатига қараб аниқлаш, деганда пишиб етилган, лекин ҳали терилмаган, омборга тушмаган ҳосил назарда тутилади.

Ўсимликнинг бу ҳолатдаги ҳосил ва ҳосилдорлиги:

а) субъектив метод билан, яъни ҳосилни йиғишдан олдин майдонни диққат билан қараб чиқиб ҳосил ва ҳосилдорлик кўз билан чамалаб аниқланади;

б) экин пишиб, теримга ва ўришга тайёр бўлган вақтда кичик бир жой, айтайлик, 1 м<sup>2</sup> жой ажратиб, ундаги ҳосил териб олинади ва тарозидида тортиб кўриб қанча чиқса, шу сон мингга кўпайтирилади ва шу билан 1 га майдондаги ҳосилдорлик аниқланади. Ялпи ҳосилни аниқлаш учун 1 га нинг ҳосили шу экин экилган умумий майдон ҳажмига кўпайтирилади. Бу объектив методдир. Ҳосилнинг тамомила йиғиб олинмасдан олдин терим бошида аниқланиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш, қайта ишлаш, ташиб олиш ва ҳ. к. ларни режалаштириш учун зарурдир;

в) ҳақиқий йиғилган (омборга тушган) ҳосил ва ҳосилдорлик кўрсаткичи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини ифодалайди.

Табиий, ҳосил ва ҳосилдорликнинг аввалги тахминий ҳисоблари билан йиғим-терим томонидан қилинган ҳисоблар ўртасида тафовут бўлади.

Кўрсаткичлар орасидаги тафовут қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$W_x = W_T - P,$$

$W_x$  – ҳақиқий йиғилган ҳосил.

$W_T$  – ҳосилни теримга тайёр бўлган ҳолда аниқлаш кўрсаткичи.

$P$  – йиғим-терим вақтида ҳосилнинг йўқотилган (нобуд бўлган) қисми.

Ҳозир статистика омборга тушган ҳосилга қараб ҳисобот юритади. Негаки, тахминий белгилаш усули ўзини оқламади, кейин йиғим-терим даврида нобудгарчилик учун хўжаликлардан жавобгарлик ҳам талаб қилинмас, аслида нобудгарчилик олдиндан белгиланиб кўйилар эди. Эндиликда ҳақиқий ҳосил ва ҳосилдорлик кўрсаткичи асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Ҳосилни аниқлаш пайтида айрим экинларнинг баъзи хусусиятларини назардан қочирмаслик керак. Масалан, дони учун экилган жўхори дон экини қаторида ҳисоб қилинса, силос ва кўк хашак учун экилган жўхори-хашак қаторида ҳисоб қилинади, жўхори ҳосили йиғиб олингандан кейин сўта ҳолида тортиб ҳисобланади; қуруқ донга чиқиб ҳисоб қилиш учун сўтадан ажратилган донларнинг ҳақиқий оғирлиги асос бўлади, донларнинг базис намлиги (22%) чиқариб ташланади.

Сабзавот экинларидан шивит, кашнич, петрушка, редиска каби илдиз мевалиларнинг фақат очик ерга экилганлари ҳисобга олинади, кўчириб ўтказилганлари ва уруғлик учун экилганлари сабзавот маҳсулотлари қаторига киритилмайди, улар алоҳида ҳисобланади.

Ширкатлар ва бошқа давлат хўжаликлари қишлоқ хўжалиги экинларининг йиғим-терим ҳисоби учун йиғим-терим техникаларида ишловчи

механизаторларнинг терган ёки ўриб олган маҳсулоти тўғрисидаги кундалик ҳисобот варақалари, маҳсулот қабул қилинганлиги ҳақидаги актлар ва шу каби бошқа бошланғич ҳужжатлар асос қилиб олинади. Йиғим-терим тамом бўлганидан кейин ширкат ва бошқа давлат хўжаликлари мазкур ҳужжатлар асосида экинларнинг ҳосили ҳақида ҳисобот тузадилар. Бу ҳисоботда экин турлари бўйича олинган ялпи ҳосил ва ҳосилдорлик ҳақида маълумотлар кўрсатилган бўлади. Маълумки, баъзи хўжаликлар ҳисобот топшириш муддатигача барча ҳосилни йиғиб-териб улгурмайдилар. У ҳолда йиғиб, улгурилмаган майдондаги ҳосилни ҳисоб методи билан аниқлаб, йиғиб олинган ҳосил миқдорида қўшиб жами ялпи ҳосилни ҳисоботга ёзадилар.

Туманнинг экин майдони 12000 га тенг бўлиб, шундан 1 ноябргача 10000 гектаридаги ҳосил йиғиб олинди, жами 250000 центнер маҳсулот олинган. Маҳсулотнинг барча ҳосилдорлиги  $250000:10000га=25$  центнер бўлибди. 2000 гектар майдондаги ҳосил ҳисобот муддатигача йиғилмай қолган, ўтган йили ҳисобот муддатига қадар бир гектар майдондан 24 центнер маҳсулот олинган эди. Ҳисобот муддатидан кейин эса бир гектарга тўғри келган ҳосил 21 центнер бўлди. Бунинг коэффициенти  $(21:24) 0,875$  ц дир. Энди бу коэффициент ёрдамида шу йили ҳисобот муддатидан сўнг ҳосил йиғиб олиндиغان майдоннинг бир гектарига тўғри келадиган маҳсулотни (ҳосилдорлигини ) ҳисобласак,  $25 \text{ ц} \times 0,875 = 21,9$  ц бўлар экан. Ҳисобот муддатидан сўнг ҳосил йиғиб олиндиغان 2000 га майдоннинг жами маҳсули  $(2000 \times 21,9) = 43800$  ц бўлади. Демак, туманнинг бутун экин майдонидан йиғиб олиндиغان ялпи ҳосил  $(250000 + 43800) = 293800$  ц ни, ўртача ҳосилдорлик эса  $(293800:12000) = 24,48$  ц ни ташкил қилар экан.

## 6. КЕЙСОЛОГНИНГ ЖАВОБ ВАРИАНТИ

Донли экинларни ҳосил ва ҳосилдорлиги ўзгариши ҳақидаги маълумотларни таҳлил этишда иқтисодий индекс усулидан фойдаланамиз.

1. Ҳосилдорликнинг алоҳида индекси бўйича ҳар бир экин турининг ҳосилдорлигини ўзгариши қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

**Бугдой:** 
$$i = \frac{X_1}{X_0} = \frac{37}{36,4} = 1,016 \text{ ёки } 101,6 \%$$

**Шоли:** 
$$i = \frac{X_1}{X_0} = \frac{28,5}{28,2} = 1,010 \text{ ёки } 101,0 \%$$

**Макка дон учун:** 
$$i = \frac{X_1}{X_0} = \frac{34}{28} = 1,214 \text{ ёки } 121,4 \%$$

2. Ҳосилдорликнинг умумий индексини ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$I = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_1}$$

$$I = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_1} = \frac{28,5 \cdot 43 + 37 \cdot 36 + 34 \cdot 45}{28,2 \cdot 43 + 36,4 \cdot 36 + 28 \cdot 45} = \frac{1226 + 1332 + 1530}{1213 + 1310 + 1260} = \frac{4088}{3783} = 1,081 \text{ ёки}$$

108,1 %

3. Ўртача ҳосилдорлик индексини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$I = \frac{\bar{X}_1}{\bar{X}_0} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} \cdot \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0}$$
$$I = \frac{\bar{X}_1}{\bar{X}_0} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} \cdot \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0} = \frac{4088}{124} \cdot \frac{40 \times 28,2 + 35 \times 36,4 + 55 \times 28}{130} =$$
$$= \frac{4088}{124} \cdot \frac{3942}{130} = 32,9 : 30,3 = 1,086 \text{ ёки } 108,6 \%$$

4. Ўртача ҳосилдорликни мутлақ ўзгаришини ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_x = \bar{X}_1 - \bar{X}_0$$

$$\Delta_x = \bar{X}_1 - \bar{X}_0 = 32,9 - 30,3 = 2,6 \text{ ц/га ошган.}$$

Шу жумладан:

4.1. Ўртача ҳосилдорликни, ҳосилдорлик ўзгариши ҳисобига ўзгаришини қуйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$\Delta_x = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1}$$
$$\Delta_x = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1} = \frac{4088}{124} - \frac{3783}{124} = 32,9 - 30,5 = 2,4 \text{ ц/га ошган.}$$

4.2. Ўртача ҳосилдорликни, экин майдонлари таркиби ўзгариши ҳисобига ўзгаришини қуйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$\Delta_x = \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0}$$
$$\Delta_x = \frac{\sum X_0 M_1}{\sum M_1} - \frac{\sum X_0 M_0}{\sum M_0} = \frac{3783}{124} - \frac{3942}{130} = 30,5 - 30,3 = 0,2 \text{ ц/га ошган.}$$

5. Ялпи ҳосилнинг умумий индексини қуйидаги формуладан фойдаланиб ҳисоблаймиз:

$$I_{\text{як}} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_0}$$
$$I_{\text{як}} = \frac{\sum X_1 M_1}{\sum X_0 M_0} = \frac{4088}{3942} = 1,037 \text{ ёки } 103,7 \%$$

6. Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгаришини қуйидаги формуладан фойдаланиб ҳисоблаймиз:

$$\Delta_{\text{як}} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_0$$

$$\Delta_{\text{як}} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_0 = 4088 - 3942 = 146 \text{ центнер.}$$

Шу жумладан:

6.1. Ялпи ҳосилни ҳосилдорлик ўзгариши ҳисобига ўзгаришини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_{\text{якм}} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_1$$

$$\Delta_{\text{ясм}} = \sum X_1 M_1 - \sum X_0 M_1 = 4088 - 3783 = 305 \text{ центнер.}$$

6.2. Ялпи ҳосилни, экин майдони таркиби ўзгариши ҳисобига ўзгаришини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta_{\text{ясм}} = \sum X_0 M_1 - \sum X_0 M_0$$

$$\Delta_{\text{ясм}} = \sum X_0 M_1 - \sum X_0 M_0 = 3783 - 3942 = -159 \text{ центнер.}$$

#### Хулоса.

Ҳисобланилган кўрсаткичлар асосида «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра» фермер хўжалигида ҳисобот йил ўтган йилга нисбатан дон ишлаб чиқаришда маълум ўзгаришлар бўлган. Ҳосилдорлик буғдойда 1,6%, шоли бўйича 1% га, макка дони 21,4% га ошган.

«Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра» фермер хўжалигида экилган донли экинларни умумий ҳосилдорлиги 8,1% га ошган, шунинг ҳисобига ўртача ҳосилдорлик индекси 8,6% га ошган, чунки ўртача ҳосилдорликни мутлақ қиймати 2,6 ц/га га ошган. Бу ошишни омиллари қуйидагилар: ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига ўртача ҳосил-дорлик 2,4 ц/га ошган, экин майдони таркиби ўзгариши ҳисобига ўртача ҳосилдорлик 0,2 ц/га ошган. Натижада ўртача ҳосилдорликни умумий мутлақ ўзгариши 2,4ц/га+ 0,2ц/га =2,6 ц/га бўлган.

«Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра» фермер хўжалигида йиғиб олинган ялпи ҳосил 3,7% га ёки 146 центнерга кўпайган. Ялпи ҳосилни кўпайиш омиллари қуйидагилар: ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига ялпи ҳосил 305 центнерга ошган, экин майдони таркибини ўзгариши ҳисобига ялпи ҳосил -159 центнерга камайган. Натижада ялпи ҳосил 305ц + (-159ц) = 146 ц га ошган.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини тўла ва мукамал тарзда аниқлаш учун тўла имконият мавжуд эмас. Чунки фермер хўжаликларида кўпгина меҳнат ва моддий харажатлар тўла ҳисобга олинмайди. Шунинг учун ҳам фермер хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини бошқа хўжаликлар билан солиштирганда ердан фойдаланиш самарадорлиги, яъни бир гектар ёки бир балл-гектар ҳисобига олинган маҳсулот кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

## 8. Амалий машғулотларда муаммоли ҳолатларни ечиш бўйича (кейс ўқитиш технологияси )

<i>Мавзу</i>	<i>Товар ассортиментни стратегиясини ишлаб чиқиш</i>
<i>Талабалар сони: 25 –30</i>	<i>Вақти 4 соат</i>
<i>Ўқитиш шакли</i>	<i>Амалий машғулотда муаммоли ҳолатни ечиш орқали билимни чуқурлаштириш.</i>
<i>Амалий машғулот режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Кейс – стадиға кириш ва назарий жихатдан ёритиб бериш.</li> <li>2. Билимни чуқурлаштиришнинг ва муаммонинг долзарблиги.</li> <li>3. «Курамбой бобо набираси Тоҳир-Зухра ” фермер хўжалигида бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртача ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши қай даражада таъсир қилганлигини ўрганиш .</li> <li>4. Муаммонинг шаклланиши ва уни ечиш йўллари.</li> <li>5. Кейс – стадини гуруҳларда ечиш.</li> <li>6. Дискуссия орқали муаммоли ҳолатни ечиш ғояларини кўриб чиқиш.</li> <li>7. Энг муқобил вариантини танлаш ва натижаларни презентация қилиш.</li> <li>8. Гуруҳларнинг ишлаш фаолиятини ва мақсадга эришилганлик натижаларини баҳолаш ва хулоса чиқариш.</li> </ol>
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i>	бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртача ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши таъсирини аниқлаш.
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <p>Муаммоли ҳолатнинг хусусиятларини тавсифлаб ва таснифлаб беради:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Кейсда бирлашманинг фаолияти ва асосий воситалар ҳолати билан таништиради ва таҳлил қилади;</li> <li>• Муаммони ажратиш ва уни аниқлаб, ечиш кетма - кетлигини ишлаб чиқишни ўргатади;</li> <li>• Кейсда муаммонинг маълумотларини бошқарув ва ишлаб чиқаришни тизимини яхшилаш учун ҳисоб - китоблар ўтказадилар, ҳамда якуний хулосалар чиқарадилар;</li> </ul>	<p><i>Ўқув фаолиятнинг натижалари:</i></p> <p>- Фермер хўжалигининг фаолияти ва ҳолатини ўрганган ҳолда муаммони аниқлайди ва фермер хўжалигига таалукли муаммоларни тавсифлаб берадилар;</p> <p>-Муаммоли ҳолатнинг кўникмаларини ва унинг шаклидаги кичик муаммоларнинг иқтисодий асосланган ечимларини ишлаб топмоқ;</p> <p>Фермер хўжалигининг фаолиятини ҳисобга олган ҳолда муаммони ечилишининг кетма – кетлигини аниқлайди;</p> <p>- Иқтисодий кўрсаткичлар билан ишлаш йўлларини, башорат қилиш, статистик маълумотлар таҳлили билан ишлаб чиқариш йўлларини оптимал вариантини танлайди ва мазкур фермер хўжалигининг хўжалигида бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртача ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши қай даражада таъсир қилганлигини аниқлайди;</p>
<i>Ўқитиш услуби</i>	Кейс-стади услуби савол-жавоб, муаммоларни ечиш
<i>Ўқитиш шакли</i>	Амалий машғулотда фронтал ва индивидуал ишлаш, гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маърузалар матни, ўқув дафтарлари, намоён материаллар (маърузачи томонидан презентация-слайд), лазер проектори, компьютер технологиялари, график органайзерлар (схемалар, расмлар, жадваллар),
<i>Ўқитиш шартлари</i>	Техник воситалар билан таъминланган гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	мустақил ўрганиш учун саволлар берилади, уй вазифаси учун слайдлар тайёрлайди.

## Амалий машғулотнинг технологик картаси

Ишнинг босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1–босқич. Тайёрлов қисми (10 мин)	<p>1.1. Мазкур кейснинг мутахассислик йўналишига таъсирини тушунтиради ва таништиради;</p> <p>1.2. Машғулотнинг номи, ўтказиш жараёнини, режалаштираётган мақсад ва натижаларни эълон қилади.</p> <p>1.3. Ўрганиб чиқиш учун кейсга таалукли қўлланмалар ва таркатма материаллар тарқатади.</p> <p>1.4. Таклиф этилган «Ўорақхл» бирлашмасининг фаолияти билан таништиради.</p> <p>1.5. Мустақил ишлаш учун, ҳолатий таҳлил варақасини тарқатади.</p> <p>1.6. Гуруҳларда ишлаш инструкциясини тушунтириб ўтади.</p>	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2-босқич Асосий қисм (130 мин)	<p>2.1. Назарий ва амалий томондан таққосланган янги материални ўрганишнинг ташкил қилади. Бунинг учун киска тарзда бирлашмаларда хўжалигида бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртacha ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши қай даражада таъсир қилганлигини ўрганиш ҳисоблаш борасида, қилинадиган ишлар ҳақида назарий жиҳатдан гапириб беради. Бу эса амалий машғулотнинг режасига асосланиб, экранда жадваллар, чизмалар, расмлар тарикасида кўрсатилади ва у шарҳланади.</p> <p>2.2. Фермер хўжалигининг ҳолати билан музокарани ташкиллаштиради ва қуйидаги машғулотнинг асосий саволларига амалиёт билан боғлаган ҳолда жавоб беради:</p> <p>1. «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра » фермер хўжалиги бу даражага эришиш сабабларини айтиш ва у маркетингнинг қайси элементларидан доимий ҳолда фойдаланади?</p> <p>2. «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра » фермер хўжалиги мақсадли сегментлари ҳақида гапириб беринг.</p> <p>3. «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра » фермер хўжалиги шаклланаётганда қандай муаммоларга дуч келган?</p> <p>2.3. Талабаларни гуруҳларга бўлади ва гуруҳларда ишлаш жараёнини эслатади. Кейс билан ишлаш учун индивидуал ёки гуруҳларда ишлаш жараёни учун топшириқлар беради. (1-илова Жамоа ишлаб чиққан ҳолатий таҳлил варақасини тўлдирдилар, муқобил гоёларни танлаб оладилар ва баҳолайдилар.</p> <p>2.4. Ўқув фаолиятига маслаҳат беради ва йўналтиради. Индивидуал ва жамоа иш фаолиятини “ҳолатий таҳлил варақасини” текширади ва бақолайди.</p> <p>2.5. Презентацияни ташкиллаштиради, муҳокама қилади ва ўзаро бақолайди.</p> <p>2.6. «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра » фермер хўжалигининг фаолияти тўғрисида саволлар беришни тавсия этади. (</p> <p style="padding-left: 40px;">Нативавий ҳолда «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра » фермер хўжалиги вақилининг жавобларини машғулотнинг режасига мос равишда амалиётга боғланганлигини кенгайтириб хулоса қилади. Шу боисдан «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра » фермер хўжалигининг имкониятлари қандай ва келажакда фақат озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадими?</p> <p>йўлларини кўрсатади</p> <p>2.7. Жавобларни текшириб, баҳо беради ва муҳокама қилади. Муаммонинг таҳлили ва ҳолатнинг ечимига алоҳида эътибор беради. 2-илова )</p> <p>2.8. Кейснинг ўз ечим вариантини эълон қилади ва намойиш қилади.</p>	<p>Эшитадилар, конспектларда киска тарзда ёзиб борадилар.</p> <p>Саволлар жавоб беришади ва дафтарларига ёзиб борадилар. Саволларни аниқлайдилар, муҳокама қиладилар ва тушунмаган жойларини сўрайдилар.</p> <p>Ўқув топшириқларни бажарадилар.</p> <p>Гуруҳлар натижаларнинг презентация қиладилар. Дискуссияда катнашадилар, саволлар берадилар ва ўзаро баўолайдилар.</p>
3–якуний босқич (20 мин)	<p>3.1. Натижаларга якуний хулосалар қилади, талабаларнинг эътиборини асосий нуқталарга қаратадилар, хулосалар қиладилар ва баўолайдилар.</p> <p>3.2. «Қурамбой бобо набираси Тохир-Зухра » фермер хўжалигининг фаолиятини таҳлил қилиш талабаларнинг йўналишларига ва бўлажак касбларига таъсирини аниқлаб ўтади.</p> <p>3.3. Мустақил таълим учун вазифа беради: Амалиётни назарияга боғлаган ҳолда бирон-бир корханани мисол қилинг ва бу семинар дарсида муҳокама қилинишини айтиб ўтади.</p>	

Кейс билан ишлаш учун гуруҳларда ишлаш жараёни учун топшириқлар берилади:

### 1-гуруҳ.

Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги «Умид» фермер хўжалигида дон маҳсулотларининг экин майдони ва ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотлар берилган.

№	Экин турлари	ўтган йили		ҳисобот йили	
		майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га	майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га
		$M_0$	$X_0$	$M_1$	$X_1$
1	Кузги буғдой	510	43	536	39
2	Баҳорги буғдой	154	13	186	16
3	Баҳорги арпа	67	15	52	19
4	Нўхат	17	13	13	9
5	Шоли	96	42	112	46
6	Макка дон учун	38	28	29	34
Ҳаммаси					

Жадвалда келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланилсин:

1. Ҳосилдорликнинг алоҳида индекслари.

2. Ҳосилдорликнинг умумий индекси.

3. Ўртача ҳосилдорлик индекси.

4. Ўртача ҳосилдорликнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:

а) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.

б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.

5. Ялпи ҳосилнинг умумий индекси.

6. Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:

а) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.

б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.

в) Ҳосилдорлик ва экин майдонлари таркибини ўзгаришини биргаликдаги таъсири ҳисобига.

Ҳисобланилган кўрсаткичлар асосида хулоса ёзинг.

### 2-гуруҳ.

Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги «Ибодулла-ота» фермер хўжалигида дон маҳсулотларининг экин майдони ва ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотлар берилган.

№	Экин турлари	ўтган йили		ҳисобот йили	
		майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га	майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га
		$M_0$	$X_0$	$M_1$	$X_1$
1	Кузги буғдой	245	39	265	34
2	Баҳорги буғдой	64	11	66	12
3	Баҳорги арпа	42	17	34	19
4	Нўхат	14	16	15	15
5	Шоли	46	39	56	42
6	Макка дон учун	38	35	42	29
Ҳаммаси					

Жадвалда келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланилсин:

1. Ҳосилдорликнинг алоҳида индекслари.
2. Ҳосилдорликнинг умумий индекси.
3. Ўртача ҳосилдорлик индекси.
4. Ўртача ҳосилдорликнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:
  - а) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.
  - б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.
5. Ялпи ҳосилнинг умумий индекси.
6. Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:
  - а) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.
  - б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.
  - в) Ҳосилдорлик ва экин майдонлари таркибини ўзгаришини биргалликдаги таъсири ҳисобига.

Ҳисобланилган кўрсаткичлар асосида хулоса ёзинг.

### 3-гурух.

Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги «Гулбоғ» фермер хўжалигида дон маҳсулотларининг экин майдони ва ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотлар берилган.

№	Экин турлари	ўтган йили		ҳисобот йили	
		майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га	майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га
		$M_0$	$X_0$	$M_1$	$X_1$
1	Кузги буғдой	265	38	270	39
2	Баҳорги буғдой	74	12	66	13
3	Баҳорги арпа	50	15	42	16
4	Нўхат	8	14	10	15
5	Шоли	56	36	64	34
6	Макка дон учун	28	32	32	29
Ҳаммаси					

Жадвалларда келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланилсин:

1. Ҳосилдорликнинг алоҳида индекслари.
2. Ҳосилдорликнинг умумий индекси.
3. Ўртача ҳосилдорлик индекси.
4. Ўртача ҳосилдорликнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:
  - а) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.
  - б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.
5. Ялпи ҳосилнинг умумий индекси.
6. Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:
  - а) Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.
  - б) Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.



в) *Ҳосилдорлик ва экин майдонлари таркибини ўзгаришини биргаликдаги таъсири ҳисобига.*

Ҳисобланилган кўрсаткичлар асосида хулоса ёзинг.

#### 4-гурух.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Т.Нормухаммедов» фермер хўжалигида дон маҳсулотларининг экин майдони ва ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотлар берилган.

№	Экин турлари	ўтган йили		ҳисобот йили	
		майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га	майдони, га	ҳосилдорлик, ц/га
		$M_0$	$X_0$	$M_1$	$X_1$
1	Кузги буғдой	375	39	390	41
2	Баҳорги буғдой	86	41	92	11
3	Баҳорги арпа	46	16	42	12
4	Нўхат	16	18	14	16
5	Шоли	95	42	98	44
6	Макка дон учун	35	31	32	28
Ҳаммаси					

Жадвалларда келтирилган маълумотлар асосида қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланилсин:

1. Ҳосилдорликнинг алоҳида индекслари.

2. Ҳосилдорликнинг умумий индекси.

3. Ўртача ҳосилдорлик индекси.

4. Ўртача ҳосилдорликнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:

а) *Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.*

б) *Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.*

5. Ялпи ҳосилнинг умумий индекси.

6. Ялпи ҳосилнинг мутлақ ўзгариши, шу жумладан:

а) *Ҳосилдорликни ўзгариши ҳисобига.*

б) *Экин майдонлари таркибини ўзгариши ҳисобига.*

в) *Ҳосилдорлик ва экин майдонлари таркибини ўзгаришини биргаликдаги таъсири ҳисобига.*

Ҳисобланилган кўрсаткичлар асосида хулоса ёзинг.

2-илова

#### Гуруҳларнинг ишлашини баҳолаш жадвали

Гуруҳ	Баҳолаш мезонлари	
	Презентация (мазмун, маъноси ва хулосаларнинг исботи учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қониқарли – 1 балл Қониқарсиз – 0,5	Муаммоли масаланинг ечими учун (тўғрилиги ва ечимнинг кетма-кетлиги учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қониқарли – 1 балл Қониқарсиз – 0,5 балл
1.		
2.		

**ИККИНЧИ НАМУНА.  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Маматқулов Б. Х.**

**“Агробизнес статистикаси” модулининг “Асосий фондлар статистикаси”  
(Самарқанд вилояти «Қорақўл» бирлашмаси мисолида) мавзуси бўйича  
тайёрланган**

**КЕЙС-СТАДИ**

**Кейс:** Самарқанд вилояти “Қорақўл” бирлашмасининг ҳисобот йилдаги “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботи” маълумотлари асосида ҳисобот даврдаги (асосий бир йиллик) асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини қай даражада ўзгарганлигини ўрганиш.

**Тошкент -2019**

## I. Кейс

1. **Фаннинг номи:** “Агробизнес статистикаси»

**Мавзунинг номи:** “Асосий фондлар статистикаси” мавзусига мосланган кейс.

2. **Берилган кейснинг мақсади:** Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини Самарқанд вилояти “Қоракўл” бирлашмасининг ҳисобот йилдаги “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботи” маълумотлари асосида ҳисоблаймиз;

Кутилаётган натижалар: Бирлашма фаолиятини ўрганган ҳолда, билимни чуқурлаштириш, асосий фондларни яратиш учун сарфланган маблағларни миқдорини аниқлаш, асосий фондлар миқдорини, таркибини ва фойдаланиш даражасини таҳлилинини ўрганиб чиқиш ва берилган муаммоларни ечиш. Кейс муқаффақиятли ечиш учун талабалар **қуйидаги натижаларга** эришишлари лозим: қишлоқ хўжалигида, турли мулк шаклларидаги хўжаликларда, минтақаларда асосий фондлар миқдорини, уларнинг таркиби ва ҳолатини, уларнинг ҳаракатини аниқлаш, асосий фондлар билан таъминланиш даражасини баҳолаш, фойдаланишни иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш.

3. **Мазкур кейс институционал тизимнинг** реал фаолият асосида ишлаб чиқилган;

4. **Кейсда ишлатилган маълумотлар манбаи** қуйидагилардан иборат: Самарқанд вилояти Қоракўл бирлашмасининг ҳисобот йилдаги “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботи” маълумотлари асосида, ушбу корхонанинг низоми, Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалигининг статистик маълумотлари.

5. **Мазкур кейс дала тадқиқотлари** асосида сюжетли тоифасига киради. Ҳолат бирлашманинг таҳлилий кўрсаткичлари асосида тузилган. Кейснинг объекти бўлиб: Самарқанд вилояти “Қоракўл” бирлашмаси ҳисобланади. Ушбу кейс маълумотлар ва далиллар асосида ишлаб чиқилган. У тузилмавий ва катта ҳажмдаги кейс – стади ҳисобланади.

6. **Дидактик мақсадларга кўра** кейс – таҳлилларни ўргатиш ва баҳолаш ҳисобланади. Шу сабабдан, кейс муаммосининг шаклланиши ва тузилиши унинг масаласининг ечимида алгоритм ва таҳлил асосида ишлаб чиқилган. Голограмма сифатида баъзи маълумотлар назарий жиҳатдан берилган бўлиб, қўшимча ахборотлар муаммоли ҳолатларни амалий машғулотларда ўз ечимларига эга бўлади.

**Кейснинг афзалликларига қуйидагилар киради:** Ўқув дарсининг кейс – технология ўқитиш бўйича, талабаларнинг ўзи ташкил этган иш фаолиятининг таъминловчи ва унинг натижавий баҳосини белгиловчи “Ҳолатий таҳлил варақаси” мавжуд.

7. Ушбу кейс – “Меҳнат статистикаси”, “Иқтисодий статистика” фанларининг машғулотларида фойдаланиш мумкин.

## КИРИШ

Республикамиз ҳукуматининг фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсати ҳозирги вақтда, айниқса, қишлоқ жойларда иқтисодий инфраструктурани ишбилармон тадбиркорлар томонидан такомиллаштириш ва қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш учун қулай имкониятлар яратмоқда.

Кўп харажатлар талаб қилинишига қарамай, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш тадбиркорлар олдида турган долзарб вазифалардан энг асосийси ҳисобланади.

Қуйидаги маълумотда «Қоракўл» бирлашмасининг иш фаолияти ҳақида асосий тушунчалар, асосий фондлар миқдорини, таркибини ва фойдаланиш даражаси ҳақида ва бошқа маълумотлар берилган.

Асосий фондларнинг айрим турлари натурада, умумий ҳажм ва таркиби пул қийматида ҳисобга олинади, чунки асосий фойдаларни пул қийматида ҳисоблаш шу хўжаликда асосий фондларни яратиш учун сарфланган маблағларни миқдори, шунингдек, асосий фондларнинг етиштирилган маҳсулотларга ўтган қийматини аниқлаш имконини беради. Натижада асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳисобот маълумотларидан фойдаланиб аниқлаш мумкин бўлади.

Мазкур кейсда ушбу бирлашманинг ҳисобланган ҳар бир кўрсаткичи мустақил иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, бирлашмада асосий фондларни яратиш учун сарфланган маблағ миқдорини аниқлаш имконини беради. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бухгалтерия ҳисобида асосий фондлар бошланғич қийматида ҳисобга олинади. Шу билан бирга асосий фондлар турли вақтларда ҳосил қилинади, демак уларнинг баҳолари ҳам турлича булади. Шу сабабли асосий фондларни қийматига қараб таққослаб булмайди ва уларнинг динамикасини ҳам ўрганиш қийин бўлади. Асосий фондларни таққослашни таъминлаш учун уларни инвентаризацияси ўтказилиб аниқ вақтдаги қийматига кўра қайтадан баҳолаш муаммоларини ҳал этишга, ҳамда уларнинг ечишига ёрдам беради.

Кейсда масаланинг ечими орқали қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- мазкур мавзу бўйича билимни чуқурлаштириш;
- индивидуал ва гуруҳларда муаммонинг ечими таҳлилини ва қарор қабул қилиш кўникмаларини ишлаб чиқиш;
- мантиқий фикр юритишни жонлантириш;
- мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ўқув маълумотларни ўрганиш даражасини текшириш.
- товар стратегияларни ишлаб чиқиш йўллари.

## 1. «Қоракўл» бирлашмасига иқтисодий тавсифнома

### *Ташилотнинг манзили:*

Бирлашма Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Шоҳи-зинда шаҳри, Қишлоқ хўжалиги зонасида жойлашган бўлиб, бирлашма 1998 йилдан бошлаб фаолият юритади.

### *Ташилотнинг тўлиқ номланиши:*

«Қоракўл» бирлашмаси

### *Ташилотнинг ташкил этилган йили:*

Самарқанд вилояти Ургут тумани Ҳокимининг 1998 йил 10 мартдаги 234-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган.

### **Ташилотнинг шакли:**

«Қоракўл» бирлашмаси юридик шахс мақомига эга бўлиб, тумани Ҳокимининг 1997 йил 22 мартдаги 70-сонли қарорига асосан рўйхатга олинган.

### *Ташилотнинг фаолият тури:*

«Қоракўл» бирлашмаси қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланади:

- чорвачилик, паррандачилик, гўштини қайта ишлаш ва колбаса маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, сотиб олиш, қайта ишлаш, сақлаш ҳамда бозорларда сотиш, шу жумладан, ўз савдо шахобчалари орқали сотиш;
- чорвачилик ва паррандачилик фаолияти билан шуғулланиш, чорва маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, сотиб олиш ва сотиш;
- савдо дўконларини ташкил қилиш ва савдо-сотик фаолияти билан шуғулланиш ҳамда маиший хизмат шахобчалари очиш;
- иссиқхоналар барпо этиш ва уларда иссиқхона маҳсулотлари етиштириб, аҳолига сотиш ҳамда боғдорчилик ва узумчилик фаолияти билан шуғулланиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва рақобатбардош маҳсулотларини кўпайтириб, жаҳон бозорига олиб чиқиш.

Хўжаликнинг меҳнат фаолияти гўшт ва паррандачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишга ихтисослашган бўлиб, ушбу фермер хўжалиги ўзида бир нечта хусусий тадбиркорларни бирлаштириб, шу жумладан, чорвачилик ҳамда гўштан колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Асосий ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар 20 турдан ортиқ бўлиб, колбаса, сосиска, сарделька, дудланган колбаса, тухум, парранда гўшти, мол гўшти ва бозорда бўлмаган, янги талабга жавоб берадиган маҳсулотларни ташкил қилиб, сифатли, хорижий маҳсулотлар билан рақобатлаша оладиган гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ушбу фермер хўжалиги дастлаб беш хилдаги колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарган бўлса, ҳозирда 11 хилдаги колбаса, 4 хилда сосиска ва 2 хилдаги ветчина, макарон

маҳсулотлари ҳамда сарделька маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

***Ташкилотнинг мақсад ва вазифалари:***


- ишлаб чиқаришни янада кучайтириш ва ҳалқаро миқёсда кенгайтириш;
- шаҳар аҳолиси ва маҳаллий аҳолини ўзининг сифатли маҳсулотлари билан таъминлаш;
- жойларда савдо шаҳобчаларини ташкил этиш ва қулай шароитда аҳолига кенг хизмат кўрсатиш;
- табиий озиқ-овқат ва гўшт маҳсулотларини кўпайтириш ва даромад олиш.

**2. «ҚОРАКЎЛ» БИРЛАШМАСИНИНГ  
БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ**

***Ташкилотнинг бошқарув тузилиши:***

«ҚОРАКЎЛ» бирлашмаси юридик шахс мақомига эга бўлиб, давлат томонидан бошқарилмайди. «ҚОРАКЎЛ» бирлашмаси хусусий бўлганлиги сабабли, «ҚОРАКЎЛ» бирлашмасининг 2000 йилда тасдиқланган ва Самарьянд вилояти Ургут тумани Ҳокимининг 2000 йил 10 майидаги 305-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган низомининг V бандига асосан иш юритилади. «ҚОРАКЎЛ» бирлашмаси низомининг V-17 бандида ёзилишича, «ҚОРАКЎЛ» бирлашмасига 18 (ўн саккиз) ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган, муомалага лаёқатли хўжалик аъзоларидан бири раҳбарлик қилиши мумкин. «ҚОРАКЎЛ» бирлашмасининг раҳбариятидан ташқари маҳаллий ишсизлар сонини камайитириш мақсадида «ҚОРАКЎЛ» бирлашмаси яқин атрофдаги маҳалланинг 100 нафардан ортиқ аъзосини хўжаликда меҳнат қилишга жалб этган. Олинган 100 нафардан ортиқ ишчи кучини малакасини ошириш учун керакли чора-тадбирларни амалга оширилган бўлиб, «ҚОРАКЎЛ» бирлашмаси иқтисодиётини кўтариш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни рақобатбардош ва юқори сифатли бўлишини таъминлаш вазифаси бирлашма зиммасига олинган.

Ташкилотнинг бошқарув шакли:  
**«ҚОРАКЎЛ» бирлашмасининг ташкилий тузилмаси ва бошқарув фаолиятининг умумий кўриниши**



1-расм. «ҚОРАКЎЛ» бирлашмасининг ташкилий тузилмасининг умумий кўриниши  
 Ташкилотнинг чет эл билан ҳамкорлиги:

**«ҚОРАКЎЛ» бирлашмасининг** чет эл мамлакатлари билан алоқаларини 2000 йиллардан бошлаб йўлга қўйган. Чет эллик фермер хўжаликлари билан ўз фаолиятини юргизиш ва маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш учун **«ҚОРАКЎЛ» бирлашмасининг** раҳбарияти чет эллик мутахассисларни Ўзбекистонга таклиф қилиб, **«ҚОРАКЎЛ» бирлашмасининг** ишчилари ва ходимларини ўқитди, ҳамда уларнинг малакасини оширди.

### 3. «Қоракўл» бирлашмасининг асосий фондлари ҳақида маълумот.

#### 3.1 Тадқиқотлар тизимида асосий фондларнинг ҳолати ва ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткичларини ўрганиш.

Асосий фондларнинг айрим турлари натурада, умумий ҳажм ва таркиби пул қийматида ҳисобга олинади, чунки асосий фойдаларни пул қийматида ҳисоблаш шу хўжаликда асосий фондларни яратиш учун сарфланган маблағларни миқдори, шунунингдек асосий фондларнинг етиштирилган

маҳсулотларга ўтган қийматини аниқлаш имконини беради. Статистика амалиётида асосий фондларни пулга чақиб баҳолашнинг турли усуллари бор:

*-Асосий фондларни бошланғич (дастлабки) тўлиқ қиймати. Бунга фонднинг дастлабки сотиши (ишлаб чиқариши) баҳоси, уни келтириб кўриши ва ўрнатиши ҳаражатлари қиради;*

*-Тўлиқ тикланган қиймат. Бу шу вақтнинг ўзида ҳозирги баҳоларда фонднинг такрор ишлаб чиқилган қийматидир. Бу қиймат асосий фондларни қайтадан баҳолаш жараёнида аниқланади;*

*-Бошланғич тўлиқ қийматидан эскирган, ейилган қийматни чиқариб ташлагандан қолган қиймат. Бу асосий фондларнинг тўлиқ қиймати билан уларнинг эскирган, ейилган қиймати ўртасидаги тафовутдир;*

*-Тикланган баҳодан эскирган, ейилган қисм қийматини чиқариб ташлагандан сўнг қиймати. Бу асосий фондларнинг тўлиқ тикланган қиймати билан эскирган, ейилган қиймати ўртасидаги тафовутдир;*

Бу усулларда ҳисобланган ҳар бир кўрсаткич мустақил иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб хўжаликда асосий фондларни яратиш учун сарфланган маблағ миқдорини аниқлаш имконини беради. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг бухгалтерия ҳисобида асосий фондлар бошланғич қийматида ҳисобга олинади. Шу билан бирга асосий фондлар турли вақтларда ҳосил қилинади, демак уларнинг баҳолари ҳам турлича булади. Шу сабабли асосий фондларни қийматига қараб таққослаб булмайди ва уларнинг динамикасини ҳам ўрганиш қийин бўлади.

Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашавериб асосий фондлар эскиради, емирилади шу билан бирга улар маънавий жиҳатидан ҳам эскиради. Эскириш қийматини қоплаш ва янгилаш мақсадида асосий фондларнинг амортизация фонди ташкил этилади. Ҳар йили олдиндан белгиланган меъёр бўйича асосий фондлар қийматидан амортизация ажратишлари ҳисобланиб, фондларга ўтказилади. Амортизация ажратмалар меъёрлар ҳукумат қарорлари билан белгиланади.

Асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришни таснифлаш учун уларни ҳисобот давридаги (асосий бир йиллик) ҳаракатини таснифловчи баланслардан кенг фойдаланилади. Баланс жадвал шаклида тузилиб йўллари бўйича асосий фондларни турлари, устунлар бўйича уларни ўзгаришлари йил бошидаги ҳолати, йил давомида келиб тушган, йил давомида чиқарилган, йил охириги ҳолати кўрсатилади.

Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини қуйидаги ҳисобот маълумотларидан фойдаланиб аниқлаш мумкин:

1. Хўжаликнинг йиллик ҳисоботи таркибидаги 3-шакл бўйича тузилган «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» маълумотлари;

2. 11-шаклда тузилган давлат статистика ҳисоботи таркибидаги «Асосий воситаларнинг мавжудлиги, ҳаракати ва таркиби» тўғрисидаги 1-бўлим маълумотлари.

Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари қуйидаги коэффициентлар орқали ифодаланади ва ўрганилади:



1. Асосий фондларнинг ўсиш коэффиценти;
2. Асосий фондларнинг қўшимча ўсиш коэффиценти;
3. Асосий фондларнинг эскириш коэффиценти;
4. Асосий фондларнинг яроқлилик коэффиценти;
5. Асосий фондларнинг сафини тўлдириш коэффиценти;
6. Асосий фондларнинг янгиланиш коэффиценти.

### 3.2. Асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги «Қоракўл» бирлашмасининг ҳисобот йилги кўрсаткичлари таҳлили.

Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини Самарқанд вилояти Қоракўл бирлашмасининг ҳисобот йилдаги “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботи” маълумотлари асосида ҳисоблаймиз. Улар қуйидаги жадвалда келтирилган.

#### Асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот йил кўрсаткичлари

Кўрсаткичларнинг номи	Бошланғич қиймати, млн.сўм				Эскириши, млн.сўм		Қолдиқ қиймати, млн.сўм	
	Йил бошига қолдиқ	кирим	Чиким	Йил охирига қолдиқ	Йил бошига	Йил охирига	Йил бошига	Йил охирига
1. Бино, иншоот, узатиш мосламаси	707,4	229,6	23,3	913,7	229,0	265,0	478,4	648,7
2. Машина ва жихозлар	275,0	49,8	32,3	292,5	119,8	112,0	155,2	180,5
3. Транспорт воситалари	74,4	51,3	2,5	123,2	27,4	29,2	47,0	94,0
4. Ишчи ва маҳсулдор чорва моллари	1373,7	1027,5	453,9	1947,3	-	-	1373,7	1947,3
5. Бошқа асосий фондлар	64,6	1,4	2,8	63,4	20,2	19,3	44,4	44,1
<b>Жами</b>	<b>2495,1</b>	<b>1359,6</b>	<b>514,8</b>	<b>3340,1</b>	<b>396,4</b>	<b>425,5</b>	<b>2098,7</b>	<b>2914,6</b>

### 3. Талабаларга бериладиган мулоҳаза учун саволлар

1. Моддий-техник база деганда нимани тушунаси?
2. Ишлаб чиқариш фондлари тўғрисида тушунча.
3. Асосий фондлар деб нимага айтилади?
4. Айланма фондларнинг таърифи.
5. Асосий фондларнинг гуруҳлари ва уларнинг таърифи.
6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига оид бўлган асосий ишлаб чиқариш фондларининг таърифи.
7. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари.

8. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириши ва яроқлилиги кўрсаткичларини аниқлаш ва таърифлаш.

9. Хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиш кўрсаткичлари.

10. Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларини айтинг ва мазмунини таърифланг.

## 5. Талабалар учун услубий қўлланмалар

### *Муаммо:*

Самарқанд вилояти “Қорақўл” бирлашмасининг ҳисобот йилдаги “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботи” маълумотлари асосида ҳисобот даврдаги (асосий бир йиллик) асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини қай даражада ўзгарганлигини ўрганиш.

### *Вазифалар:*

1. Асосий фондларнинг ўсиш коэффиценти;
2. Асосий фондларнинг қўшимча ўсиш коэффиценти;
3. Асосий фондларнинг эскириш коэффиценти;
4. Асосий фондларнинг яроқлилик коэффиценти;
5. Асосий фондларнинг сафини тўлдириш коэффиценти;
6. Асосий фондларни ҳисобдан чиқариш коэффицентини =исоблаш

### *Ечиш алгоритми:*

Ушбу жадвал маълумотларидан (асосий фондларнинг балансидан) *Асосий фондларнинг ўсиш коэффицентини* аниқлаш учун уларнинг йил охиридаги қийматини йил бошидаги қийматига бўлиш керак, яъни қуйидагича аниқланади:

$$\text{Асосий фондларнинг ўсиш коэффиценти} = \frac{\text{Асосий фондларнинг йил охиридаги қиймати}}{\text{Асосий фондларнинг йил бошидаги қиймати}} \cdot 100$$

Ушбу коэффицент асосий фондларнинг ўсиш даражасини ифодалайди, яъни уларнинг йил охиридаги ҳажми йил бошига нисбатан неча фоизни ташкил қилганлигини билдиради.

*Асосий фондларнинг қўшимча ўсиш коэффиценти* икки хил усул орқали аниқланади.

Биринчи усул. Асосий фондларнинг мутлоқ ўсиш миқдорини асосий фондларнинг йил бошидаги бошланғич қийматига бўлиш орқали аниқланади:

$$\text{Қўшимча ўсиш коэффиценти} = \frac{\text{Асосий фондларнинг мутлоқ ўсиш} \times 100}{\text{Асосий фондларнинг йил бошидаги бошланғич қиймати}}$$

Асосий фондларнинг мутлоқ ўсиш миқдорини аниқлаш учун йил охиридаги бошланғич қийматидан йил бошидаги бошланғич қийматини чегириб ташлаш керак.

Иккинчи усул. Асосий фондларнинг ўсиш коэффициентидан 100 фоизни чегириб ташлаш орқали аниқланади:

$$\text{Кушимча ўсиш коэффициенти} = \text{Асосий фондларнинг ўсиш коэффициенти} - 100\%$$

Қўшимча ўсиш коэффициенти асосий фондлар ҳажми йил (давр) охирида йил (давр) бошига нисбатан неча фоизга ошганлигини (ёки камайганлигини) кўрсатади.

Асосий фондларнинг қўшимча ўсиш кўрсаткичи миллий бойликнинг унинг асосий қисми ҳисобига жамғарилишини ифодалайди, яъни миллий бойликни асосий фондлар ҳисобига жамғарилаётган ҳажмининг ошаётганини ифодалайди. Шу билан бир қаторда моддий-техник базанинг мустаҳкамланаётганлигини ифодалайди.

Асосий фондларнинг эскириш коэффициенти ҳам давр (йил) бошига, ҳам давр (йил) охирига аниқланади. Ушбу коэффициентни аниқлаш учун эскириш суммасини 100 фоизга кўпайтириб асосий фондларнинг бошланғич қийматига бўлинади:

$$\text{Эскириш коэффициенти} = \frac{\text{Асосий фондларнинг эскириш суммаси} \times 100}{\text{Асосий фондларнинг бошланғич қиймати}}$$

Бу коэффициент асосий фондларнинг техник ҳолатига баҳо беришда қўлланилади. Ушбу коэффициент қанча юқори бўлса, асосий фондлар ҳолати шунча ёмонлашган бўлади.

Асосий фондларнинг яроқлилик коэффициенти икки хил усул орқали аниқланади:

Биринчи усул. Асосий фондларнинг қолдиқ қийматини 100 фоизга кўпайтириб, асосий фондларнинг бошланғич қийматига бўлиш орқали аниқланади:

$$\text{Яроқлилик коэффициенти} = \frac{\text{Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати} \times 100}{\text{Асосий фондларнинг бошланғич қиймати}}$$

Иккинчи усул. 100 фоиздан эскириши коэффициентини айриш орқали аниқланади.

$$K_{я} = 100\% - K_{э}$$

Асосий фондлар сафини тўлдириш коэффициенти аниқлаш учун йил даврида ишга туширилган, сотиб олинган ва бошқа йўллар билан киримга олинган фондлар қийматларининг йиғиндисини йил охиридаги асосий фондлар қийматига бўлиш керак. Ушбу коэффициентни фондларнинг йил бошидаги қийматига нисбатан аниқлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Асосий фондларнинг янгиланиш коэффициенти аниқлаш учун йил давомида ишга туширилган ва сотиб олинган янги асосий фондларнинг қийматини уларнинг йил охиридаги умумий қийматига бўлиш керак:

$$\text{Янгиланиш коэффициенти} = \frac{\text{Йил давомида ишга туширилган янги асосий фондлар қиймати} \times 100}{\text{Асосий фондларнинг йил охиридаги умумий қиймати}}$$

Бу коэффициент жами асосий фондлар ва шу жумладан уларнинг актив қисми бўйича ҳам ҳисобланади. Бу коэффициент йил охиридаги жами асосий

фондлар ҳажмига нисбатан янги асосий фондлар қийматининг эгаллаган ҳиссасини билдиради. Бу кўрсаткич маълум даражада иқтисодиётдаги техника тараққиётини ҳам ифодалайди. Бу коэффицентни йил бошидаги қийматига нисбатан ҳисоблашни тавсия қиламиз.

*Асосий фондларни ҳисобдан чиқариш коэффицентини* ҳисоблаш учун йил давомида ҳар хил йўллар билан ҳисобдан чиқарилган асосий фондлар қийматларининг жамини асосий фондларнинг йил бошидаги жами қийматига бўлиш керак:

$$\text{Ҳисобдан чиқариш коэффицентини} = \frac{\text{Ҳисобдан чиқарилган жами асосий фондлар қиймати} \times 100}{\text{Асосий фондларнинг йил бошидаги жами қиймати}}$$

*Асосий фондларнинг эскириши туфайли ҳисобдан чиқариш коэффицентини* аниқлаш учун эскириши, ейилиши, қариганлиги натижасида ҳисобдан чиқарилган асосий фондларнинг қийматини жами асосий фондларнинг йил бошидаги қийматига бўлиш керак.

### 5. Ҳолатий таҳлилнинг варақаси

Таҳлил босқичининг номи	Таҳлил босқичининг мазмуни	Таҳлил босқичи	Баҳолаш мезонлари
1. Ҳолатий таҳлил	1. Ҳолатнинг аниқ кўриниши ва масаланинг ҳал этилиши, ечилиши учун аниқ маълумотлар. 2. Ҳолатнинг энг муҳим хусусиятлари: Нима бўлмоқда? Ҳолатнинг натижаларини шаклланиши қандай?		1 – 0.5 балл 2 – 1 балл
2. Муаммонинг шаклланиши	Муаммода акс эттирувчи асосий хусусиятлар: <b>1. Асосий фондларнинг ўсиш коэффицентини;</b> <b>2. Асосий фондларнинг кўшимча ўсиш коэффицентини;</b> <b>3. Асосий фондларнинг эскириш коэффицентини;</b> <b>4. Асосий фондларнинг яроқлилик коэффицентини;</b> <b>5. Асосий фондларнинг сафини тўлдириш коэффицентини;</b> 6. Асосий фондларни ҳисобдан чиқариш коэффицентини ҳисоблаш.		А) – 0.5 балл Б) – 0.5 балл В) – 1 балл
3. Ҳолатнинг иштирокчиларини аниқлаш	«Қорақўл» бирлашмасининг иқтисодий тавсифномаси, иш фаолияти ва таркиби, бошқариш тизими		1 балл
4. Бозор конъюнктураси ҳолатнинг ўрганиш	Асосий фондларнинг ҳолатини аниқлаш ва уларнинг афзаллик ёки талабга жавоб бериш ҳолатини ўрганиб чиқиш.		2 балл
5. Корхоналарни таққослаш ёки уларнинг бозор-даги ўрнини эгаллаши	А) Рақобатчи корхоналарнинг бозордаги мавқеини аниқлаш; Б) Таққослаш натижалари аниқланади		А) 1.0 балл Б) 1.5 балл
6. Корхонанинг SWOT таҳлили ёки мавжуд бўлган усулларда ечиш	1) Рақобатбардош корхоналар корхоналарнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш. 2) Ушбу таҳли асосида корхонанинг имкониятларини аниқлаш.		1) 1.5 балл 2) 2 балл
7. Муқобил вариантларини билиш ва энг альтернатив ҳолатини танлаш	Ҳолатий масаланинг альтернатив ечимларни билдириш: бўлиши мумкин бўлган йўналишларни билдириш. Ҳар бир альтернативларни баҳолаш. Салбий ва ижобий томонларини кўрсатиш. Энг зўр альтернативани танлаш.		1.5 балл
8. Ечимни ишлаб чиқиш	Масаланинг ечимини ҳал қилмоқ ва ишлаб чиқиш, товарлар ассортименти стратегиясини ишлаб чиқиш.		2 балл

## 6. Ўқув - услубий материаллар

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг муҳим омилларидан бўлиб, асосий ва айланма фондлар билан таъминланиши ҳисобланади.

Асосий ва айланма фондлар вужудга келиши бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва бошқа тармоқлар иқтисодининг маҳсулотига бўлинади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳисобидан юзага келган асосий фондлар хўжаликда фойдаланиш ёшига ётган мевали дарахтлар, ишчи ва маҳсулдор моллардан ташкил топади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳисобидан юзага келган айланма фондлар ўз ичига тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳамда ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун ишлатиладиган тайёр маҳсулотнинг айрми қисмини (уруғ, озуқа ва б.к) олади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотига тегишли бўлмаган, яъни бошқа тармоқ иқтисодига тегишли бўлган асосий фондларига иморатлар, иншоотлар, транспорт воситалари, машина ва жиҳозлар ва бошқалар киради, айланма фондларига ўғит, захарлихимикатлар ва бошқа Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари киради.

Такрор ишлаб чиқаришдаги ролига қараб моддий-техник база меҳнат воситалари ва меҳнат предметларига бўлинади.

Меҳнат воситалари моддий неъматлардан ташкил топган бўлиб, улар ёрдамида ишловчилар меҳнат предметларига таъсир ўтказади. Буларга меҳнат қуроллари ва меҳнат моддий шароитларини ифодаловчи неъматлар киради.

Меҳнат қуролларига қишлоқ хўжалик машиналари ва жиҳозлари, инвентарлар, ишчи ва маҳсулдор моллар киради. Меҳнат моддий шароитларини ифодаловчи неъматларга иморат ва иншоотлар, алоқа воситалари ва бошқалар киради.

Меҳнат предметлари моддий неъматлар бўлиб, ишловчиларнинг меҳнатининг таъсири остида улардан янги моддий неъматлар яратилади. Буларга уруғ, озуқа, ёш ва боқувдаги моллар ва бошқа неъматларни киритиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иш фаолиятида, меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари узлуксиз равишда иштирок этади. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида иштирок этишига қараб асосий ва айланма фондларга бўлинади. Бошқача айтганда меҳнат воситалари *асосий фондлар* деб, меҳнат предметлари эса *айланма фондлар* деб аталади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида кўп йиллар даврида хизмат қилувчи, ўзларининг эскирган қисмини яратилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат қийматига ўтказиб борувчи, ўз натура шаклини сақлаб қолувчи меҳнат воситалари асосий фондлар деб аталади. Буларга трактор, комбайн, транспорт воситалари, иморатлар, иншоотлар ва бошқа меҳнат воситаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида бир марта иштирок этувчи, ўз қийматини яратилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат қийматига

тўлиқ ўтказувчи, ўз натура шаклини йўқотувчи меҳнат предметлари айланма фондлар деб айтилади.

Буларга уруғлик, ем-хашак, ўғит, ёқилғи ва мойлаш материаллари, кам баҳоли буюмлар каби меҳнат предметлари киради.

Асосий фондлар икки гуруҳга бўлинади:

1. Асосий ишлаб чиқариш фондлари;
2. Ноишлаб чиқариш асосий фондлари.

Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этиб, моддий неъмат яратувчи меҳнат воситалари асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг асосий ишлаб чиқариш фондлари ўз навбатида икки катта гуруҳга бўлинади:

1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига оид бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари;
2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига оид бўлмаган асосий ишлаб чиқариш фондлари.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига оид бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари ўз навбатида қуйидаги уч гуруҳга бўлиниб ўрганилади:

1. Ўсимликчилик соҳасида банд бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари;
2. Чорвачилик соҳасида банд бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари;
3. Умумхўжалик йўналишига оид бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига оид бўлмаган асосий ишлаб чиқариш фондларига қишлоқ хўжалик корхонаси таркибидаги Қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо ва овқатланиш тармоқларида банд бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари киради.

Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашмайдиган, аммо ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш учун шарт-шароит яратиб берувчи меҳнат воситалари ноишлаб чиқариш асосий фондлари бўлиб ҳисобланади. Буларга қишлоқ хўжалик корхонаси таркибидаги тиббиёт, маориф, маданий-оқартув, спорт соҳаларида хизмат қилувчи асосий фондлар киради.

Ҳар бир гуруҳ таркибидаги асосий воситалар ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, бир неча турларга бўлиниб, ўрганилади. Шу жумладан асосий ишлаб чиқариш фондлари 11-шалкдаги давлат статистика ҳисоботининг «Асосий воситаларнинг мавжудлиги, ҳаракати ва таркиби» номли 1-бўлимда қуйидаги турларга бўлиниб, ҳисобга олинган:

1. Бинолар;
2. Иншоотлар;
3. Узатиш қурилмалари;
4. Машина ва асбоб-ускуналар;
5. Транспорт воситалари;
6. Асбоблар, ишлаб чиқариш ва хўжалик ашёлари;
7. Иш ҳайвонлари;
8. Маҳсулдор моллар;
9. Кўп йиллик мевали дарахтлар;
10. Асосий воситаларнинг бошқа турлари.

Асосий ва айланма фондлар Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий омиллари бўлганлиги учун ҳам уларнинг ҳолати ва ҳаракатини ҳамда улардан фойдаланиш даражасини ўрганиш ва статистик таҳлил қилиш катта аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан асосий фондлар статистикасининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

1. Қишлоқ хўжалигида турли мулк шаклларидаги хўжаликларда, минтақаларда асосий фондларнинг миқдори, таркиби, таркибий тузилиши ва динамикасини ўрганиш;

2. Асосий фондларнинг ҳолати ва ҳаракатини ифодловчи (такрор ишлаб чиқариш) кўрсаткичларини аниқлаш ва динамикасини ўрганиш;

3. Асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиш даражасини аниқлаш ва статистик таҳлил қилиш;

4. Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари динамикасини статистик таҳлил қилиш;

5. Айланма фондларнинг таркиби, таркибий тузилиши ва динамикасини ўрганиш;

6. Айланма фондлар билан таъминланиш даражасини ва улардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини статистик таҳлил қилиш.

## 7. КЕЙСОЛОГНИНГ ЖАВОБ ВАРИАНТИ

Ушбу жадвал маълумотларидан (асосий фондларнинг балансидан) фойдаланиб, асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳисоблаш тартибини кўриб чиқамиз. Асосий фондларнинг мутлоқ ўсиши йил охирида йил бошига нисбатан 845 млн. сўмни ташкил қилган:  $3340,1 - 2495,1 = + 845$  млн.сўм.

1. Асосий фондларнинг ўсиш коэффиценти:

$$K_{\text{афв}} = \frac{3340,1}{2495,1} \cdot 100 = 133,9 \%$$

Демак, ўсиш коэффиценти 133,9% ни ташкил қилган.

2. Асосий фондларнинг қўшимча ўсиш коэффиценти. Бу кўрсаткич икки хил усул билан аниқланади:

$$1) K_{\text{афвк}} = \frac{845}{2495,1} \cdot 100 = 33,9 \%$$

$$2) \text{ёки } 133,9 - 100 = 33,9 \%$$

Демак, асосий фондлар ҳажми йил охирида йил бошига нисбатан 33,9 % га ошган.

3. Асосий фондларнинг эскириш коэффиценти:

$$\text{Йил бошида: } K_{\text{афэ}} = \frac{396,4}{2495,1} \cdot 100 = 15,9 \%$$

$$\text{Йил охирида: } K_{\text{афэ}} = \frac{425,5}{3340,1} \cdot 100 = 12,7 \%$$

Бирлашма бўйича асосий фондларнинг эскириш даражаси 3,2 фоизга камайган, демак фондлар аҳволи яхшиланган, яроқлилиқ даражаси ошган.

*4. Асосий фондларнинг яроқлилик коэффициенти:*

Йил бошида:  $K_{афя} = \frac{2098,7}{2495,1} \cdot 100 = 84,1\%$

ёки  $100 - 15,9 = 84,1\%$

Йил охирида:  $K_{афя} = \frac{2914,6}{3340,1} \cdot 100 = 87,3\%$

ёки  $100 - 12,7 = 87,3\%$

Асосий фондларнинг яроқлилик даражаси йил охирида йил бошига нисбатан 3,2 фоизга ошган.

*5. Асосий фондлар сафини тўлдириш коэффициенти:*

$$K_{афм} = \frac{1359,6}{3340,1} \cdot 100 = 40,7\%$$

Демак, асосий фондлар сафи ҳар хил йўллар билан 40,7 фоизга кенгайтирилган.

*6. Асосий фондларни ҳисобдан чиқариш коэффициенти:*

$$J_{афхч} = \frac{514,8}{2495,1} \cdot 100 = 20,6\%$$

Йил даврида ҳар хил йўллар билан хўжалик ҳисобидан чиқиб кетган фондлар ҳажми 20,6 фоизни ташкил қилади.



## 8. Амалий машғулотларда муаммоли ҳолатларни ечиш бўйича (кейс ўқитиш технологияси

<i>Мавзу</i>	<i>Товар ассортиментни стратегиясини ишлаб чиқиши</i>
<i>Талабалар сони: 25 –30</i>	<i>Вақти 4 соат</i>
<i>Ўқитиш шакли</i>	<i>Амалий машғулотда муаммоли ҳолатни ечиш орқали билимни чуқурлаштириши.</i>
<i>Амалий машғулот режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Кейс – стадиға кириш ва назарий жихатдан ёритиб бериш.</li> <li>2. Билимни чуқурлаштиришнинг ва муаммонинг долзарблиғи.</li> <li>3. Бирлашманинг асосий фондлар =олатини ўрганиш.</li> <li>3. Муаммонинг шаклланиши ва уни ечиш йўллари.</li> <li>4. Кейс – стадини гуруҳларда ечиш.</li> <li>5. Дискуссия орқали муаммоли ҳолатни ечиш ғояларини кўриб чиқиш.</li> <li>6. Энг муқобил вариантини танлаш ва натижаларни презентация қилиш.</li> <li>7. Гуруҳларнинг ишлаш фаолиятини ва мақсадга эришилганлик натижаларини баҳолаш ва хулоса чиқариш.</li> </ol>
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i>	Асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳисоблаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ёритиб бериш.
<i>Педагогик вазифалар:</i> Муаммоли ҳолатнинг хусусиятларини тавсифлаб ва таснифлаб беради: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Кейсда бирлашманинг фаолияти ва асосий воситалар ҳолати билан таништиради ва таҳлил қилади;</li> <li>• Муаммони ажратиш ва уни аниқлаб, ечиш кетма - кетлигини ишлаб чиқишни ўргатади;</li> <li>• Кейсда муаммонинг маълумотларини бошқарув ва ишлаб чиқаришни тизимини яхшилаш учун ҳисоб - китоблар ўтказадилар, ҳамда якуний хулосалар чиқарадилар;</li> </ul>	<i>Ўқув фаолиятнинг натижалари:</i> - Бирлашманинг фаолияти ва ҳолатини ўрганган ҳолда муаммони аниқлайди ва корхонага таалукли муаммоларни тавсифлаб берадилар; -Муаммоли ҳолатнинг кўникмаларини ва унинг шаклидаги кичик муаммоларнинг иқтисодий асосланган ечимларини ишлаб топмоқ; -Бирлашманинг фаолиятини ҳисобга олган ҳолда муаммони ечилишнинг кетма – кетлигини аниқлайди; - Иқтисодий кўрсаткичлар билан ишлаш йўлларини, башорат қилиш, статистик маълумотлар таҳлили билан ишлаб чиқариш йўлларини оптимал вариантини танлайди ва мазкур бирлашманинг асосий воситаларига бўлган муносабатларини аниқлайди;
<i>Ўқитиш услуби</i>	Кейс-стади услуби савол-жавоб, муаммоларни ечиш
<i>Ўқитиш шакли</i>	Амалий машғулотда фронтал ва индивидуал ишлаш, гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маърузалар матни, ўқув дафтарлари, намоён материаллар (маърузачи томонидан презентация-слайд), лазер проектори, компьютер технологиялари, график органайзерлар (схемалар, расмлар, жадваллар),
<i>Ўқитиш шартлари</i>	Техник воситалар билан таъминланган гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	мустақил ўрганиш учун саволлар берилади, уй вазифаси учун слайдлар тайёрлайди.

**Амалий машғулотнинг технологик картаси**

Ишнинг босқичлари ва вақти	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	Ўқитувчи	Талаба
1–босқич. Тайёрлов қисми (10 мин)	<p>1.1. Мазкур кейснинг мутахассислик йўналишига таъсирини тушунтиради ва таништиради;</p> <p>1.2. Машғулотнинг номини, ўтказиш жараёнини, режалаштираётган мақсад ва натижаларни эълон қилади.</p> <p>1.3. Ўрганиб чиқиш учун кейсга таалукли қўлланмалар ва тарқатма материаллар тарқатади.</p> <p>1.4. Таклиф этилган «Қорақўл» бирлашмасининг фаолияти билан таништиради.</p> <p>1.5. Мустақил ишлаш учун, ҳолатий таҳлил варақасини тарқатади.</p> <p>1.6. Гуруҳларда ишлаш инструкциясини тушунтириб ўтади.</p>	<p>Тинглайдилар ва ёзиб оладилар</p>
2-босқич Асосий қисм (130 мин)	<p>2.1. Назарий ва амалий томондан таққосланган янги материални ўрганишнинг ташкил қилади. Бунинг учун қисқа тарзда бирлашмаларда асосий фондларнинг такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳисоблаш борасида, қилинадиган ишлар ҳақида назарий жиҳатдан гапириб беради. Бу эса амалий машғулотнинг режасига асосланиб, экранда жадваллар, чизмалар, расмлар тариқасида кўрсатилди ва у шарҳланади.</p> <p>2.2. Бирлашманинг ҳолати билан музокарани ташкиллаштиради ва қуйидаги машғулотнинг асосий саволларига амалиёт билан боғлаган ҳолда жавоб беради:</p> <p>1. «Қорақўл» бирлашмаси бу даражага эришиш сабабларини айтиш ва у маркетингнинг қайси элементларидан доимий ҳолда фойдаланади?</p> <p>2. «Қорақўл» бирлашмаси мақсадли сегментлари ҳақида гапириб беринг.</p> <p>3. «Қорақўл» бирлашмаси шаклланаётганда қандай муаммоларга дуч келган?</p> <p>2.3. Талабаларни гуруҳларга бўлади ва гуруҳларда ишлаш жараёнини эслатади. Кейс билан ишлаш учун индивидуал ёки</p>	<p>Эшитадилар, конспектларда қисқа тарзда ёзиб борадилар.</p> <p>Саволлар жавоб беришади ва дафтарларига ёзиб борадилар.</p> <p>Саволларни аниқлайдилар, муҳокама қиладилар ва тушунмаган жойларини сўрайдилар.</p> <p>Ўқув топшириқларни бажарадилар.</p> <p>Гуруҳлар натижаларнинг презентация қиладилар. Дискуссияда қатнашадилар, саволлар берадилар ва ўзаро баўолайдилар.</p>

	<p>гуруҳларда ишлаш жараёни учун топшириқлар беради.(1-илова Жамоа ишлаб чиққан ҳолатий таҳлил варақасини тўлдирадilar, муқобил ғояларни танлаб оладilar ва баҳолайдилар.</p> <p>2.4. Ўқув фаолиятига маслаҳат беради ва йўналтиради. Индивидуал ва жамоа иш фаолиятини “ҳолатий таҳлил варақасини” текширади ва ба=олайди.</p> <p>2.5. Презентацияни ташкиллаштиради, муҳокама қилади ва ўзаро ба=олайди.</p> <p>2.6. Қоракўл бирлашмасининг фаолияти тўғрисида саволлар беришни тавсия этади. (</p> <p>Натижавий ҳолда «Қоракўл» бирлашмаси вакилининг жавобларини машғулотнинг режасига мос равишда амалиётга боғланганлигини кенгайтириб хулоса қилади. Шу боисдан корхонанинг имкониятлари қандай ва келажакда фақат озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадими? йўллари кўрсатади</p> <p>2.7. Жавобларни текшириб, баҳо беради ва муҳокама қилади. Муаммонинг таҳлили ва ҳолатнинг ечимига алоҳида эътибор беради. 2-илова )</p> <p>2.8. Кейснинг ўз ечим вариантини эълон қилади ва намойиш қилади.</p>	
<p>3–якуний босқич (20 мин)</p>	<p>3.1. Натижаларга якуний хулосалар қилади, талабаларнинг эътиборини асосий нуқталарга қаратадилар, хулосалар қиладилар ва баўолайдилар.</p> <p>3.2. «Қоракўл» бирлашмасининг фаолиятини таҳлил қилиш талабаларнинг йўналишларига ва бўлажак касбларига таъсирини аналитиб ўтади.</p> <p>3.3. Мустақил таълим учун вазифа беради: Амалиётни назарияга боғлаган ҳолда бирон-бир корханани мисол қилинг ва бу семинар дарсида муҳокама қилинишини айтиб ўтади.</p>	

Кейс билан ишлаш учун гуруҳларда ишлаш жараёни учун топшириқлар берилади:

1-гуруҳ.

Асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот йил кўрсаткичлари

Кўрсаткичларнинг номи	Бошланғич қиймати, млн.сўм				Эскириши, млн.сўм		Қолдиқ қий-мати, млн.сўм	
	Йил бошига қолдиқ	кирим	Чи-қим	Йил охирига қолдиқ	Йил бошига	Йил охири-га	Йил бошига	Йил охирига
1.Бино,иншоот, узатиш мосла-маси	717,4	239,6	24,3		229,0	265,0		
2.Машина ва жихозлар	265,0	49,8	32,3		119,8	112,0		
3.Транспорт воситалари	74,4	51,3	2,5		27,4	29,2		
4.Ишчи ва маҳсулдор чорва моллари	1383,7	1027,5	453,9		-	-		
5.Бошқа асосий фондлар	65,6	1,4	2,8		20,2	19,3		
Жами								

2-гуруҳ.

Асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот йил кўрсаткичлари

Кўрсаткичларнинг номи	Бошланғич қиймати, млн.сўм				Эскириши, млн.сўм		Қолдиқ қий-мати, млн.сўм	
	Йил бошига қолдиқ	кирим	Чи-қим	Йил охирига қолдиқ	Йил бошига	Йил охири-га	Йил бошига	Йил охири-га
1.Бино,иншоот, узатиш мосла-маси	747,4	229,6	23,3		229,0	265,0		
2.Машина ва жихозлар	235,0	49,8	32,3		119,8	112,0		
3.Транспорт воситалари	73,4	51,3	2,5		27,4	29,2		
4.Ишчи ва маҳсулдор чорва моллари	1473,7	1027,5	453,9		-	-		
5.Бошқа асосий фондлар	44,6	1,4	2,8		20,2	19,3		
Жами								

**Асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги  
ҳисобот йил кўрсаткичлари**

Кўрсаткичларнинг номи	Бошланғич қиймати, млн.сўм				Эскириши, млн.сўм		Қолдиқ қиймати, млн.сўм	
	Йил бошига қолдиқ	кирим	Чиқим	Йил охирига қолдиқ	Йил бошига	Йил охирига	Йил бошига	Йил охирига
1.Бино,иншоот, узатиш мосламаси	757,4	229,6	23,3		229,0	265,0		
2.Машина ва жиҳозлар	255,0	49,8	32,3		119,8	112,0		
3.Транспорт воситалари	75,4	51,3	2,5		27,4	29,2		
4.Ишчи ва маҳсулдор чорва моллари	1573,7	1027,5	453,9		-	-		
5.Бошқа асосий фондлар	54,6	1,4	2,8		20,2	19,3		
<b>Жами</b>								

## 4-гурух.

**Асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот йил кўрсаткичлари**

Кўрсаткичларнинг номи	Бошланғич қиймати, млн.сўм				Эскириши, млн.сўм		Қолдиқ қиймати, млн.сўм	
	Йил бошига қолдиқ	кирим	Чиқим	Йил охирига қолдиқ	Йил бошига	Йил охирига	Йил бошига	Йил охирига
1.Бино,иншоот, узатиш мосламаси	767,4	229,6	23,3		229,0	265,0		
2.Машина ва жиҳозлар	265,0	49,8	32,3		119,8	112,0		
3.Транспорт воситалари	84,4	51,3	2,5		27,4	29,2		
4.Ишчи ва маҳсулдор чорва моллари	1673,7	1027,5	453,9		-	-		
5.Бошқа асосий фондлар	64,6	1,4	2,8		20,2	19,3		
<b>Жами</b>								

## 2-илова

**Гуруҳларнинг ишлашини баҳолаш жадвали**

Гуруҳ	Баҳолаш мезонлари	
	Презентация (мазмун, маъноси ва хулосаларнинг исботи учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қониқарли – 1 балл Қониқарсиз – 0,5	Муаммоли масаланинг ечими учун (тўғрилиги ва ечимнинг кетма-кетлиги учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қониқарли – 1 балл Қониқарсиз – 0,5 балл

## VII. ГЛОССАРИЙ

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Арифметик ўртача	Arithmetic mean	Арифметическая средняя	шундай илмий қоидага асосланган ўртачага айтиладики, у билан белгининг айрим қийматларини алмаштирилса, уларнинг умумий йиғиндиси ўзгармаслиги ва тўпلام бирликлари сонига нисбатан пропорционал тақсимланиши зарур
Асосий фондлар	fixed assets	основные фонды	мамлакат миллий бойлигининг муҳим қисми. Улар ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта фойдаланиладиган ва ўз қийматини тайёр маҳсулотга аста-секин ўтказа борадиган активлар ҳисобланади
Аҳолини такрор пайдо бўлиши нетто коэффициенти	Re-formation of the net rates of population	Коэффициент нетто воспроизводства населения	бутун умри мобайнида бир аёл тукқан болаларининг онаси тукқан ёшигача яшаганларнинг ўртача сони.
Айланма маблағлар	Current assets	Оборотные средства	хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма фондлари ва муомала фондларини ташкил этувчи маблағлар.
Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш	Social Protection	Социальная защита	давлат томонидан аҳолига барча ҳаёт кечириш шарт-шароитларини яратиш учун мақсадли йуналтирилган қафолатлар тизими.
Аҳолининг реал даромадлари	The real incomes of the population	Реальные доходы населения	наrx даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори, яъни, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати.
Бандлик	employment	занятость	меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини

			қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.
<b>Банкрот</b>	<b>bankrupt</b>	<b>банкрот</b>	хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла хажмда қондиришга ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги.
<b>Барқарорлик</b>	<b>stability</b>	<b>стабильность</b>	ҳодиса ва жараёнларнинг амал қилиши ҳамда ривожланишдаги ўзига хос муайянлик ҳолати
<b>Бевосита инвестиция</b>	<b>direct investment</b>	<b>устойчивость прямых инвестиций</b>	капитал қўйилмаларни инвестор томонидан тўғридан-тўғри инвестицион объектларга йўналтирилиши назарда тутилади.
<b>Бизнес</b>	<b>Business</b>	<b>Бизнес</b>	фойда олишга қаратилган (эҳтиёж ва муҳтожликни қондириш натижасида) тадбиркорлик фаолиятини англатади
<b>Билвосита инвестиция</b>	<b>indirect investment</b>	<b>косвенное инвестирование</b>	воситачи молиявий ташкилотлар орқали инвесторлар томонидан капитал қўйилмаларнинг қўйилиши тарзида ифодаланади.
<b>Бозор конъюктураси</b>	<b>market conditions</b>	<b>рыночные условия</b>	муайян вақт мобайнида товарлар бозорининг ҳолатини тавсифловчи вақтинчалик иқтисодий вазият бўлиб, қуйидаги белгилар орқали аниқланади: ички ва ташқи савдодаги ўзгаришлар; ишлаб чиқариш ва қурилиш динамикаси; товар захиралари ҳаракати; нархлар динамикаси ва бошқалар.
<b>Бюджет дефицити</b>	<b>budget deficit</b>	<b>бюджетный дефицит</b>	бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ошиб кетиши натижасида вужудга келган тақчиллик
<b>Глобал молиявий-иқтисодий бозор</b>	<b>Global financial market</b>	<b>Глобальный финансовый рынок</b>	жаҳон мамлакатлари ўртасидаги молиявий-иқтисодий алоқаларни ягона хўжалик тарзида амал

			қилишига асосланган муносабатлар.
Давлат бюджети	State budget	госбюджет	давлат даромадлари ва сарфларининг молиявий режаси.
Давлат инвестицияси	State investments	Государственные инвестиции	давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат фондлари ҳамда давлат корхоналари томонидан капиталлар қўйилишини ифодалайди.
Даромаднинг ички меъёри	Standards of internal revenue	Стандарты внутреннего дохода	инвестициядан пул оқимини, келажакдаги қийматини дисконт ставкаси билан белгиланган инвестицион маблағларни ҳозирги қийматига келтирилган аниқ бир инвестицион лойиҳанинг даромадлилик даражасини ифодалайди
Даромад солиғи	income tax	подходный налог	фуқароларни бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинадиган мажбурий тўлов (солиқ).
Даромад солиғи ставкалари	Income tax rates	Ставки налога на прибыль	Аҳоли даромадларидан табақалаштирилган ҳолда олинадиган солиқларнинг фоизлардаги даражалари.
Диверсификация	the diversification	диверсификация	(лотинчадан diversus- ҳар хил ва facere-қилмоқ, бажармоқ) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.
Диверсификация стратегияси	diversification strategy	стратегия диверсификации	корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегиясидир.
Дивиденд	the dividend	дивиденд	акционерлик жамияти соф фойдасидан акция эгаларига тўланадиган қисми бўлиб, у акционерларга нақд пул ёки акциялар билан тўланади.



<b>Дисконтланган қоплаш меъёри</b>	<b>To cover the discounted rate</b>	<b>Для того, чтобы покрыть скидку</b>	инвестицион лойиҳанинг амалга оширилишидан бошлаб, иқтисодий ижобий самарага эришгунга бўлган қисқа вақт интервали
<b>Жаҳон банки</b>	<b>The World Bank</b>	<b>Всемирный банк</b>	1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан бир вақтда тузилган биринчи давлатлараро инвестиция институтидир. Банк ўзининг фаолиятини 1946 йил 25 июндан бошлаган
<b><u>Институцион бирликлар</u></b>	<b>institutional units</b>	<b>институциональные единицы</b>	активларга эгаллик қилиш, мажбуриятлар олиш, иқтисодий фаолият юритиш ва бошқа бирликлар билан операциялар ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.
<b><u>Истеъмол</u></b>	<b>consumption</b>	<b>потребление</b>	ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охириги фазаси, ижтимоий маҳсулотдан аҳолини иқтисодий талабларини қондириш жараёни
<b><u>Истеъмол баҳолари индекси</u></b>	<b>Consumer price index</b>	<b>Индекс потребительских цен</b>	истеъмол саватига киритилган товар ва хизматлар баҳосининг у ёки бу даврдаги ўртача ўзгаришини ифодаловчи индекс. У одатда Ласпейрес формуласи бўйича аниқланади.
<b><u>Иш кучига сарфланган харажатлар</u></b>	<b>Labor expenses</b>	<b>расходы на рабочую силу</b>	иш берувчилар томонидан иш кучини ёллаш ва уни асраш билан боғлиқ бўлган харажатлар йиғиндисидир
<b><u>Ишсизлик даражаси</u></b>	<b>The unemployment rate</b>	<b>Уровень безработицы</b>	ишсизлар сонини иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати. 16 ва ундан юқори ёшдагилар, лекин ишга эга бўлмаганлар, фаол иш қидираётганлар, ишни бошлашга тайёр турганлар ишсизлар деб аталади
<b><u>Иш ҳақи</u></b>	<b>Remuneration</b>	<b>зарплата</b>	жорий даврда иш берувчи томонидан ёлланган ходимга бажарган ишлари учун берилган пул ёки натура усулидаги тўловлар бўлиб, улар ҳисобланган суммалар йиғиндисидан ташкил топади ва икки қисмга бўлинади: иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар.

<b><u>Ишлаб чиқариш</u></b>	<b>production</b>	<b>производство</b>	маълум даврда алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар тармоқлар ва иқтисодий секторлар томонидан ишлаб чиқарилган мол ва хизматлар қиймати
<b><u>Ишчи кучи бозори</u></b>	<b>Labor market</b>	<b>рынок труда</b>	– иш кучининг эгаси ва иш берувчилар орасидаги ижтимоий муносабатлар тизими.
<b><u>Иқтисодий фаол аҳоли</u></b>	<b>The economically active population</b>	<b>Численность экономически активного населения</b>	ўз иш кучини товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун тақдим этган доимий аҳолининг бир қисми (аёллар, эркаклар) бўлиб, улар банд аҳоли ва ишсизларга бўлинадилар.
<b><u>Иқтисодиёт активлари</u></b>	<b>The assets of the economy</b>	<b>активы экономики</b>	объектлар бўлиб, уларга институцион бирликлар яқка ҳолда ёки жамоа бўлиб эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Уларнинг эгалари маълум вақт давомида уларга эгалик қилишдан ёки улардан фойдаланишдан иқтисодий наф кўрадилар. Иқтисодий активлар-молиявий ва номолиявий активларга бўлинади
<b><u>Иқтисодиётнинг реал сектори</u></b>	<b>The real sector of the economy</b>	<b>Реальный сектор экономики</b>	иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларини олади
<b><u>Иқтисодий ночор корхоналар</u></b>	<b>Insolvent enterprises</b>	<b>Несостоятельные предприятия</b>	муайян миқдорда капитал йўқотиш, ишлаб чиқариш майдонларининг қисқариши, ишсизлар сонининг ортиши, рақобатбардош бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва бунинг учун катта миқдорда материаллар, хом ашё, ёнилғи, меҳнат ресурслари сарфлайдиган қоқоқ, самарасиз корхона
<b><u>Йўриқнома</u></b>	<b>instructions</b>	<b>инструкция</b>	(инструкция) деб кузатиш дастурида кўзланган белгиларни бир хил талқин этишва тушунишни

			таъминлайди-ган кўрсатмалар мажмуасига айтилади.
<b>Кузатиш объекти</b>	<b>monitoring facility</b>	<b>объект наблюдения</b>	бу ўрганилаётган ҳодисалар ва жараёнлар, яъни корхоналар ва ташкилотлар, хўжаликлар, кишилар, оилалар, уй хўжаликлари, ва ҳоказоларни уларнинг фаолияти жиҳатидан қаралган тўплами
<b>Комбинацион жадвал</b>	<b>combinational table</b>	<b>комбинационная таблица</b>	эга қисмида объектларни иккита ва ундан ортиқ белгилари асосида гуруҳлаш натижаларини акс эттирадиган жадвалдир
<b>Мода</b>	<b>mode</b>	<b>мода</b>	тўпланда энг кўп учрайдиган белги қийматига аталади. Дискрет қаторларда у энг кўп соҳиблар (варианталар) сонига эга бўлган варианта қиймати билан белгиланади.
<b>Медиана</b>	<b>median</b>	<b>медиана</b>	тўпламни тенг иккига бўлувчи белгининг қиймати тушунилади
<b><u>Миллий бойлик</u></b>	<b>national wealth</b>	<b>национальное богатство</b>	кишилик авлоди меҳнати туфайли ва фойдаланиш мумкин бўлган табиий бойликлар йиғиндисидан ташкил топади. Меҳнат натижасида пайдо бўлган ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларидан иборат ноз-неъматлар йиғиндиси миллий мулк деб аталади.
<b>Миллий стандарт</b>	<b>national standard</b>	<b>национальный стандарт</b>	муайян мамлакат миқёсида, халқаро стандарт эса-бутун жаҳон ёки мамлакатлар бирлашмаси миқёсида ҳодисаларни таснифлаш, кўрсаткичларни тузиш ва ҳисоблаш, маълумотларни қайд қилишда қўлланадиган умумий талаб, тартиб ва контсептсиялар мажмуасидир.
<b>Мутлақ кўрсаткичлар</b>	<b>Absolut index</b>	<b>Абсолютные показатели</b>	ўрганилаётган ҳодисалар ва уларнинг белгиларини бир хиллигини, монандлигини, ўхшашлигини ифодалайди. Мутлақ миқдорлар ҳодисалар ёки белгиларнинг кўлами, сони, ҳажми, даражаси, макон ва замонда тақсимланиш сонини ифодалайди

<b>Масштаб</b>	<b>scale</b>	<b>масштаб</b>	кўрсаткичларни текисликдаги тасвирий нисбатларга айлантирувчи шартли меъёрдир
<b><u>Номинал иш хақи</u></b>	<b>Nominal wage</b>	<b>Номинальная заработная плата</b>	пул формадаги иш ҳақи, фақат пул ҳажмини ифодалайди, унинг сотиб олиш қобилиятини ҳисобга олмайди
<b>Оммавий ҳодиса</b>	<b>mass phenomena</b>	<b>массовые явления</b>	бирор объектлар тўпламида содир бўлган воқеа, ҳаракат натижаси.
<b>Оммавий жараён</b>	<b>mass events</b>	<b>массовые события</b>	бу объектлар тўпламида содир бўлган воқеалар оқими ва унинг характери, уларнинг ривожланиш даражалари, тўплама ҳодисалар кечишидаги (ҳаракатидаги) ўзгаришлар
<b><u>Резидент</u></b>	<b>resident</b>	<b>резидент</b>	нисбатан узоқ вақт давомида ҳудудида иқтисодий қизиқиши бўлган институцион бирликлар (корхоналар, ташкилотлар, уй хўжаликлари ва ҳ.к.лар).
<b>Статистика</b>	<b>Statistics</b>	<b>Статистика</b>	оммавий ҳодиса ва жараёнларни аниқ вақт ва замонда сифат ҳамда миқдордан ажралмаган ҳолда ўрганади
<b>Статистика услубияти</b>	<b>Statistical method</b>	<b>Статистический метод</b>	оммавий ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда, намоён бўладиган қонуниятларни ойдинлаштиришда ишлатиладиган ўзига хос услуб, яъни статистика назарияси ва амалиётида қўлланадиган йўллар, усуллар, воситалар мажмуаси
<b>Статистик тадқиқот</b>	<b>Statistical investigation</b>	<b>Статистическое исследование</b>	иккита босқич ва бир неча фазалардан ташкил топади ва уларда ўзига хос усуллар қўлланади
<b>Статистик кўрсаткичлар</b>	<b>Statistic indexes</b>	<b>Статистические показатели</b>	statistical method маълум макон ва замон шароитида оммавий ҳодиса ва жараёнларнинг ҳолатини, ривожланишини, тузилишини, ўзаро боғланишларини ифодаловчи меъёрлар юритилади
<b>Таснифлаш</b>	<b>Classification</b>	<b>Классификация</b>	ўрганилаётган ҳодисаларни тартиблаш мақсадида уларнинг муҳим белгиларига қараб гуруҳларга, туркумларга ва

			хоказоларга ажратишдир.
<b>Таққослаш</b>	<b>Compare</b>	<b>Сравнение</b>	турли кўрсаткичларни айирма ёки бўлиш йўли билан ўзаро солиштиришдир
<b>Фасет</b>	<b>bezel</b>	<b>Фасет</b>	хар бир тасниф бирликларини номма-ном ёзиб чиқиш рўйхати
<b>Ценз</b>	<b>qualification</b>	<b>Ценз</b>	кузатиш объектини аниқловчи меъёр, белгилар тўпламидир

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 2019 йил 27 августдаги ПФ-5789-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.: “Халқ сўзи” 28.12.2018.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017 йил 16 февралдаги № 4958-сонли Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги № 2909 -сонли Қарори.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим вазирлигининг «Янги ўқув услубий мажмуаларни тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисида»ги 2017 йил 1 мартдаги №107-сонли буйруғи.

9. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим вазирлигининг «Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 13 мартдаги №138-сонли буйруғи.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. - // Халқ сўзи, 2017 йил 15 апрель, № 75 (6769).

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш

Давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. - // Халқ сўзи, 2017 йил 19 апрель, № 77 (6771).

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида”ги Фармони. - // Халқ сўзи, 2017 йил 5 май, № 90 (6784).

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. - // Халқ сўзи, 2017 йил, 21 апрель, № 79 (6773).

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги "Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. - // Халқ сўзи, 2017 йил, 2 май, №86 (6780).

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб – қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарори Халқ сўзи, 2017 йил 22 июнь, №123.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сонли “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. -// Халқ сўзи, 2018 йил 31 октябрь, № 225 (7183).

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” ги ПФ-5264-сон Фармони. 2017 йил 29 ноябрь.- lex.uz.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 мартдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сонли қарори. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.13.2018 й.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сонли “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2018 й.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури” ПФ-5635-сон [Фармони](#). 17.01.2019 й.

21. Мирзиёев Ш.М. Халққа хизмат қилиш, одамларнинг манфаатларини таъминлаш-рахбарлар фаолиятининг асосий мезонидир. - // Халқ сўзи, 2017 йил 13 апрель, №73 (6767).

22. Мирзиёев Ш.М. Асосий мақсадимиз – мамлакатимизни янада тараққий эттириш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир. - // Халқ сўзи, 2017 йил 28 апрель, №84 (6778).

## **II. Махсус адабиётлар.**

1. James McClave, Terry Sincich Statistics. Textbook. USA. ҳисобот year.
2. Robert Jonsson Exercises in Statistical Inference with detailed solutions 1 st edition 2014 year.
3. Juha M. Alho and Bruce D. Spencer Statistical Demography and Forecasting 2005
4. Nabiyev X., Ayubjonov A.H., Sayfullaev S.N. Iqtisodiy statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 324 бет.
5. Soatov N.M., X.Nabiev N.M., Nabiev D., Tillaxo’jaeva G.N. Statistika. Darslik. – Т.: TDIU, 2011. – 548 бет.
6. Статистика. Учебник. /Под ред. И.И. Елисейевой. – М.: Проспект, ҳисобот. – 448 стр.
7. Харченко Н.М. Экономическая статистика. Учебник. – М.: Дашков и К, ўтган. – 368 с.
8. Экономическая статистика. Учебник. / Под ред. Ю.Н. Иванова. – М.: ИНФРА-М, ўтган. – 736 стр.
9. Соатов Н. Статистика. Дарслик. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2003. – 743 бет.
10. Marcelo Fernandes Statistics for Business and Economics, USA, ўтган year-150 p.
11. Daris Singpurwalla A Handbook of statistics: an Overview of Statistical Methods 1 st edition. ҳисобот year.
12. Аюбжонов А.Ҳ., Маматкулов Б.Х., Сайфуллаев С.Н. “Статистика” фанидан амалий машғулотларни ўтказиш учун ўқув кўлланма. – Т.: ТДИУ, ўтган. – 180 бет.
13. Улитина Е.В. и др. Статистика. Учебное пособие. – М.: Маркет ДС, ўтган. – 312 стр
14. Статистика. Практикум. Учебное пособие. / Под ред. В.Н. Салина. – М.: КНОРУС, 2014. – 496 стр
15. Аюбжонов А.Ҳ. “Статистика” фанидан ўқув услубий кўлланма. – Т.: ТДИУ, ҳисобот. – 145 бет
16. Теория статистики. Учебник. Под ред. Р.А.Шмойловой. – М.: Финансы и статистика, ўтган. – 655 стр.
17. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. ҳисобот. – Т.: Госкомстат Узбекистана. 2017. - 130 стр.



### **Интернет ресурслари**

18. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.

19. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

20. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти.

21. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.

22. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

23. [www.minesonoma.uz](http://www.minesonoma.uz) – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги сайти.

24. [www.mehnat.uz](http://www.mehnat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг сайти.